

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

З.М.Бобур номидаги Андижон Давлат Университети

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛТЕТИ
ПЕДАГОГИКА – ПСИХОЛОГИЯ ЙЎНАЛИШИ

IV БОСҚИЧ “А” ГУРУХИ ТАЛАБАСИ

ТУРҒУНОВА ДИЛХУМОРНИНГ
ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДАН

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: ШАХС ШАКЛЛАНИШИДА ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК
ОМИЛЛАРНИНГ ЎРНИ (КИЧИК МАКТАБ ЁШИ МИСОЛИДА)



ИЛМИЙ РАҲБАР:

ДОЦ.М.В.ХАЛИМОВА

АНДИЖОН – 2013

МУНДАРИЖА

Кириш

I боб. Кичик мактаб ёши даврининг умумий хусусиятлари.

1.1. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психик ривожланиши.

1.2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг аклий ривожланиши.

II боб. Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг психологик моҳияти.

2.1. Кичик мактаб ёши ўқувчиларининг шаклланиши ва ўқув фаолияти

2.2. Кичик мактаб ёшининг психологик муамолари.

2.2. Ижтимоий психологик омилларнинг кичик мактаб ёши ўқувчилари шахси шаклланишига таъсири.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Кириш

Республика таълим тизимида олиб борилаётган ислохатлар ёшларни ўз хоёиши, иродаси ва интилишига қараб, уларга чуқур билимлар бериш, ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлардан тўла холи бўлган юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берадиган рақобатбардош малакали кадрлар тайёрлашни таъминлашдир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан кейин таълим жараёнини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” асосида кичик мактаб ёши ўқувчиларини тарбиялаш қомил инсон шахсини тарбиялашга асос бўлади. Мактаб ва ўқитувчининг вазифаси ўқувчиларга таълим беришгина эмас, балки уларни тарбиялаб ҳам боришдир.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги ҳуққ-атворини ва фаолиятини ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишнинг қарор топишига ёрдам беради, ўқувчи ҳуққ-атворини мотиви ҳам ўзгаради. Бунда ижтимоий психологик омиллар ўқувчи шахсининг шаклланишида бош омил сифатида гавдаланади.

Мавзунинг долзарблиги: Шахс шаклланишида , айниқса кичик мактаб ёши даврида бола шахсининг шаклланишида ижтимоий психологик омилларнинг ўрни ниҳоятда аҳамияти муҳим ўрин тутлади. мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Чунки унинг ҳаётий тажрибалари қамлиги боис унда ижтимоий муҳит таъсирларига тез берилувчанлик, ёки уларга мослаша олмаслик хусусиятлари шалланиб бориши мумкин. ҳаётий тажрибаларини, асосан қимларгадир тақлид қилган ҳолда ўзлаштиради.

Бу даврда боланинг ўз-ўзини англаши ҳам жадал ривожлана боради ва мустақамлана бошлайди. Бу даврда болалар ўзларининг исмларини тенгдошлари ва атрофдагилар томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Бола ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашда аҳамияти жуда катта. Мактаб таълими ва янгича ижтимоий муҳитга мослашиш бола шахсини шаклланишига катта таъсир ўтказади шундан келиб чиққан ҳолда мавзунинг долзарблиги ортади.

Тадқиқот ишининг мақсади: Кичик мактаб ёши ўқувчилари шахси шаклланишида ижтимоий психологик омилларнинг ўрни ва боланинг шу ижтимоий омилларга адаптацияси, ўзлаштиришини ўрганиш.

Тадқиқот ишининг предмети: Кичик мактаб ёши ўқувчиларини шахси шаклланишида ижтимоий психологик омилларнинг ўрни ва хусусиятларининг турли жихатларини методикалар асосида аниқлаш.

Тадқиқот ишининг илмий фарази:

1. Ижтимоий психологик омилларнинг бола шахси шаклланишига таъсирини ўрганиш орқали комил инсонни шаклланишини ўрганиш осонлашади.

2. Етакчи фаолият - ўқув фаолиятининг ўқувчи онги, дунёқарашига таъсири доираси

3. Ижтимоийлашув шароитларига бола шахсини мослашувчанлиги ортади..

Тадқиқот ишининг методологик асоси: Шарқ мутафаккирлари, чет эл олимларининг шу мавзудаги қарашлари. Таълим соҳасидаги ислохотлар, янгиликлар, Президентимиз И.А.Каримов асарларида умумтаълим мактабларидаги ўқув таълим системасидаги ўзгартиришлар ҳақидаги фикрлар. Ёш даврлари бўйича тадқиқотлар олиб борган олимларнинг асарларидаги фикрлар.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги: Кичик мактаб ёши ўқувчилари шахсининг шаклланишида ижтимоий психологик омилларнинг ўрнини аниқлаш орқали, ривожланиш қонуниятларидаги турли хил ўзгаришлар, уларнинг ўқиш фаолиятига бўлган қизиқишлари, ижтимоий муносабатларга кириша олиш малакалари ўрганилади.

Тадқиқот ишининг методлари: кузатиш методи, эксперемент методи, суҳбат, анкета, социометрик тестлар ва сўровнома.

Тадқиқот ишининг назарий аҳамияти: Кичик мактаб ёши ўқувчилари шахси шаклланиш хусусиятларини ўрганиш орқали назарий маълумотларга эга бўлиш.

Тадқиқот ишининг амалий аҳамияти: Илмий ишдан келиб чиққан хулоса ва тавсияларга кўра кичик мактаб ёши ўқувчилари ижтимоийлашув жараёнларини осон ўзлаштирилишига эришилади.

I боб. Кичик мактаб ёши даврининг умумий хусусиятлари.

1.1. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг психик ривожланиши.

Кичик мактаб даври 6-7 ёшдан 9-10 ёшгача давом этади. Бу даврда бола мактаб ўқувчиларига қўйиладиган турли талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёрланади. Унинг психикаси билим олишга етадиган даражада ривожланади. Шу ёшдаги бола идрокининг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, ўзининг қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёркинлиги, хотирасининг кучлилиги, тафаккурининг яққоллиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг асосий фаолияти ўқиш ҳисобланади. Боланинг мактабга бориши, унинг психологик ривожланиши ва шахсининг шаклланишидаги ўрни ниҳоятда катта.

Бола - ўқув фаолиятида ўқитувчи раҳбарлигида инсон онгининг турли асосий шакллариининг мазмунини эгаллайди ва инсоний анъаналар асосида ҳаракат қилишни ўрганади. Ўқув фаолиятида бола ўз иродасини ўқув мақсадларига эришиш учун машқ қилдиради. Ўқув фаолияти боладан нутқ, диққат, хотира, тасаввур ва тафаккурини керакли даражада ривожланишини талаб этган ҳолда, бола шахси ривожланиши учун янги шароитларни яратади. Биринчи бор мактабга келган бола ўз атрофдагилари билан психологик жиҳатдан янги муносабат тизимига ўтади. У ҳаётининг тубдан ўзгарганини, унга янги мажбуриятлар, нафақат, ҳар куни мактабга бориш, балки ўқув фаолияти талабларига бўйсунуш ҳам юклатилганлигини ҳис эта бошлайди. Оила аъзоларининг бола ўқув фаолияти, ютуқлари билан қизиқаётганлиги, шунингдек, уни назорат қилаётганлиги, унга қилинаётган янги муомала, муносабат унинг ижтимоий мавқеи ўзгарганлигини тўла ҳис этишига, ўзига нисбатан муносабатининг ўзгаришига асос бўлади. Катталар болаларни амалий жиҳатдан ўз вақтларини тўғри тақсимлаш борасида яхши ўқиш, ўйнаш, сайр қилиш ва бошқа нарсалар билан шуғулланишта ўргатадилар. Демак, оилада бола у билан ҳисоблашадиган, маслаҳатлашадиган янги бир ўринни эгаллайди. Ўқувчининг мактабдаги муваффақияти унинг кейинги психик ривожи ва шахсининг шаклланишида тўлиқ ижобий асос бўлади.

Бола инсоний муносабатлар тизимида ҳам алоҳида ўрин эгаллаётганини, ота-онаси, яқинлари, атрофдагилари унга ёш боладек эмас, балки ўз вазифалари, мажбуриятлари бор бўлган, ўз фаолият натижасига кўра хурматга сазовор бўлиши мумкин булган алоҳида шахс сифатида муносабатда бўладилар. Бунинг натижасида боланинг ўз-ўзидан оиласи, синфи ва бошқа жамоалардаги ўз ўрнини англай бошлаганини кўриш мумкин. Бу даврда боланинг *"Мен шуни хоҳлайман"* мотивидан *"Мен шуни бажаришим керак"* мотиви устунлик қила бошлайди. Мактабда биринчи синфга келган ҳар бир ўқувчида психик зўриқиш кучаяди. Бу нафақат унинг жисмоний саломатлигида, балки хатти-ҳаракатида ҳам, яъни маълум даражада кўркувни кучайиши, иродавий фаолликнинг сусайишида намоён бўлади.

Бу даврга келиб бола атрофидагилар билан ўзаро муносабатда маълум бир натижаларга эришган, ўзи хоҳлаётган нарсаларни ҳамда, ўз оиласида ўзи эгаллаган ўрнини аниқ биладиган бўлади. Шунингдек, у ўзини-ўзи бошқариш малакасига эга бўлади, вазият ва ҳолатга қараб иш юрита олади, Бу ёшдаги болалар хатти-ҳаракатлари ва мотивлари уларнинг ўзларига берадиган баҳоларига қараб *"Мен яхши боламан"* эмас, балки бу хатти-ҳаракатлар ўзгалар кўз ўнгида қандай намоён бўлишига қараб баҳоланишини тушуна бошлайдилар. Бола мактаб таълимига боғчада тарбияланётганида тайёрланади.

1.2. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг аклий ривожланиши.

Мактабга келиш арафасида боланинг сўз бойлиги ўз фикрини баён эта оладиган даражада ортади. Агар бу ёшдаги нормал ривожланаётган бола ўз нутқида 500-600 сўзни ишлатса, олти ёшли бола 3000-7000 сўзни ишлатади. Бошланғич синф ёшидаги болалар нутқи асосан от, феъл, сифат, сон ва боғловчилардан иборат бўлади. Бу ёшдаги болалар ўз нутқларида қайси сўзларни ишлатгани афзалу, қайсиларини ишлатиш мумкин эмаслигини фарқлай оладилар. 6-7 ёшли бола ўз жумлаларини мураккаб грамматик тизимда туза олади. Бола бутун болалик даврида нутқни жадал равишда эгаллаб бориб, нутқни ўзлаштириши маълум бир фаолиятга айлана боради. 7-9 ёшли болаларнинг ўзига хос яна бир хусусияти бола нутқида ўз фикрини баён этибгина қолмай, балки ўз суҳбатдошининг диққатини ўзига жалб қилиш учун ҳам гапирадилар.

Бу даврда ёзма нутқ ҳам шакллана бошлайди. Ёзма нутқ жумлаларни тўғри тузиш ва сўзларни тўғри ёзишга маълум талаблар қўйилганлиги билан характерланади. Бола сўзларни қандай эшитган бўлса, шундайлигича ёзилмаслигини

билиши, уларни тўғри талаффуз этишга ва ёзишга ўрганиши зарур. Ёзма нутқни эгаллаши асосида болаларда турли матнлар ҳақидаги маълумотлар юзага келади. Бу даврда ёзма нутқ эндигина шакллана бошлаганлиги боис, болада ҳали ўзи ёзган фикрларни, сўз ва ҳарфларни назорат этиш малакаси ҳали ривожланмаган бўлади. Лекин унга ижод қилиш имконияти берилади. Ушбу мустақил ижодий иш мактаб ёшидаги ўқувчиларда берилган мавзунини англаш, унинг мазмунини аниқлаш, фикрини баён этиш учун маълумот тўплаш, муҳим жиҳатларини ажратиб олиш, уни маълум кетма-кетликда баён этиш, режа тузиш малакасини юзага келтиради. Жумлаларни тўғри тузиш, айнан шу мазмунга мос сўзларни топиш ва уларни тўғри ёзиш, тиниш белгиларини тўғри қўйиш, ўз ҳолатларини топа олиш ва тўғрилаш ақлий ривожланишнинг кўрсаткичларидан ҳисобланади.

Ўқиш фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ақл-идроки, сезгирлиги, кузатувчанлиги, эслаб қолиш ва эсга тушириш имкониятларининг ривожланиши учун муҳим шарт-шароитлар яратади, ҳисоблаш малакаларини шакллантиради. Таълим жараёнида уларнинг билимлар кўлами кенгаяди, қизиқишлари ортади, ижодий изланиш қобилияти ривожланади, уларда тафаккурнинг фаоллиги, мустақиллиги ортади, ақлий имкониятини ишга солиш вужудга келади. Мазкур ёшдаги болалар ўз идрокларининг аниқлиги, равонлиги, ўткирлиги билан бошқа ёш даврдага инсонлардан кескин фарқ қилади. Улар ҳар бир нарсага берилиб, ўта синчковлик билан қарашлари сабабли идрокнинг муҳим хусусиятларини ўзлаштириш имкониятига эга бўладилар.

7-10 ёшдаги ўқувчининг идроки, унинг хатти-ҳаракати, ўйини ва меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир ўқувчи ўзининг эҳтиёжи, майли, қизиқиш ва интилиши турмуш шароитига мос, шунингдек ўқитувчи тавсия этган нарсаларни идрок қилади.

Биринчи синфга келган бола предметларнинг ранги, шакли ва катталигини, уларни маконда жойлашишини билиш билан, бирга уларни таққослай олади. Мактабда муваффақиятли ўқиш учун бола сенсор ривожланганлик даражасини юқори бўлиши жуда муҳим. Мактаб ёшига келиб, нормал ривожланаётган бола расм ва суратлар реал ҳаётни акс эттираётганлигини яхши тушунадилар. Шунинг учун ҳам сурат ва расмларда нималар акс этганини реал ҳаётга таққослаган ҳолда билишга ҳаракат қиладилар. Бола расмларда атроф-ҳаётдаги нарсаларни кичиклаштириб тасвирланганлигини англай биладилар. Бу тасвирлар болаларда эстетик ва бадиий дидни ривожлантиради. Чунки, бола шу расмлар орқали

олам гўзаллигини, унинг турфа ранглاردан иборат эканлигини англайди, ажратади ва ўз муносабатини билдира олади.

Тафаккурнинг ривожланишини кичик мактаб ёшидаги бола психикасининг соғломлигида, унинг билиш фаоллигида кўриш мумкин. Боланинг қизиқувчанлиги, асосан, атроф-оламни билиш, ўрганишга қаратилган бўлади. Бола ўйнаб туриб, олам сир-синоатлари, сабаб-ходисалари ва боғлиқларидан хабардор бўлишга интилади. Масалан, бола ўзи мустақил равишда қандай предметлар сувда чўкиши, қайсилари эса сузишини тадқиқ қила олади. Бола ақлий муносабатларда фаол бўлса, у шунчалик кўп савол беради ва бу саволлар, асосан, хилма-хил бўлади. Болани қор, ёмғир қандай ёғиши, қуёш кечаси қаерда бўлиши, машина қандай қилиб юриши, ердан осмонгача бўлган масафони билиши жуда қизиқтиради. Бу уларнинг «Нима учун?», қандай қилиб?», «нима орқали?» каби саволларига жавоб олишга қаратилган бўлади, Бу ёшдаги болалар асосан ўзлари кўриб турган нарса ҳақида чуқурроқ фикр юрита оладилар. Бу ёшдаги болалар тафаккурининг асосий тури образли тафаккурдир.

6-10 ёшли бола мантиқий фикрлай олади, лекин, бу ёш асосан кўрганларига гаяниб, таълим олишга сензитив бўлган давр ҳисобланади, Сўзсиз бугунги жамиятамызда болаларнинг ақлий ривожланиши янги бшшларни тузилиш типига ҳам боғлиқ бўлиб, улар маълум даражада шаклланган каггалар томонидан тузилади. Чунки, ақлий ривожланиш ижтимоий омиллар билан белгиланади -индивид ижтимоий муносабатлар билан ўзгаради. Боланинг мактабда мунтазам равишда ўқишга ўтиши унинг агроф-хаётдаги нарса-хрдисаларга нисбатан фикрини ва муносабатларини ўзгаришига олиб келади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг тафаккури мантиқий фикрлаш, мулоҳаза юритиш, ҳукм ва хулоса чиқариш, таққослаш тахлил қилишнинг турли усуллари кўлланиладек ўзига хос хусусиятлари билан мактабгача ёшдаги болалар ва ўсмирлардан фарқ қилади. Таълим жараёнида тафаккур операцияларига, мустақил фикрлашга ўргатиш кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни камол топтиришнинг гаровидир.

Ўқув фаолияти психик функцияларни юқори ривожланганлик даражасини талаб этади. Боланинг диққати, хотира ва тасавури мустақил тус ола бошлайди. Лекин, одатдаги ҳолат ва вазиятларда болага ўз психик функцияларини юқори даражада ташкил этиш ҳали бирмунча мураккабдир.

6-7, 10-11 ёшли болалар билиш жараёнларидага ихтиёрийлик. иродавий зўриқиш асосидагина, бола ўзини атрофдагиларнинг талаби ёки шахсий ҳаракатга интилангандагина юзага келшни мумкин.

Бошланғич синф ўқувчиларида диққатни иродавий зўр бериш билан бошқариш ва вазиятга мослаш имконияти яхши бўлмайди. Бунинг асосий сабаби, уларда ихтиёрий диққатнинг кучсизлиги ва беқарорлигидир. Болаларда ихтиёрсиз диққат кўпроқ ривожланган бўлади. Бошланғич синф ўқув материалларининг яққоллиги, ёрқинлиги, жозибадорлиги, ўқувчида беихтиёр ҳис-туйғулар уйғотади, иродавий зўриқишсиз, осонгина фан асосларини эгаллаш имконини беради. 1-2 синф ўқувчилари диққатининг ўзига хос хусусиятларидан бири - унинг етарлича барқарор эмаслигидир. Шунинг учун ҳам улар ўз диққатларини муайян нарсаларга қарата олмайдилар ва диққат объектлар устида узоқ тура олмайди.

Таълим жараёни кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг ихтиёрий, барқарор, мустаҳкам, кучли, фаол онгли диққатни ривожлантиришга қулай шарг-шароит яратади. Билим олиш жараёнида мустақил ақлий меҳнат қилиш, мисол-масалалар ечиш, машқлар бажариш, такрорлаш иродавий зўр бериш жараёнида ихтиёрий, онгли диққат таркиб топади.

Бу ёшдага болада ихтиёрий диққатни тўплаш, ташкил қилиш, уни тақсимлаш, онгли равишда бошқариш уқуви шакллана бошлайди, Кичик мактаб ёшидаги бола маълум даражада ўз фаолиятини ўзи мустақил ривожлантира олади. У ўз режасини, у ёки бу ишни қандай кетма-кетликда бажаришини сўз билан ифодалаб бера олади. Режалаштириш сўзсиз боланинг диққатини ташкил эта олади ва ривожл.антиради. Уларда ихтиёрсиз диққат устунлик қилади. Кичик мактаб ёшидаги болалар сўзсиз ўз диққатларини ақлий масалаларга қарата оладилар, лекин бу жуда катта иродавий кучни ва юқори мотивацияларни ташкил этилишини талаб қилади.

Боланинг хаёли теварак-атроф таассуротлари, тасвирий санъат асарларини етарли даражада акс эттиришда вужудга келади. Сиймолар, шартли белгилар, табиат манзаралари жамланиб, ўқувчиларда хаёл пайдо бўлади.

Ўқув фаолияти боладан берилган ўқув материалларини эса сақлаб қолишни талаб этади. ўқитувчи ўқувчисига нималарни эслаб қолиши зарурлиги ҳақида кўрсатмалар беради. Ўқувчи нимани эслаб қолиши кераклигини такрорлайди, уни тушуниб олишга ҳаракат қилади. Лекин бу ёшда ихтиёрсиз хотира, шубҳасиз, устунлик қилади, Боланинг хотирасида сақлаб қолишини асосан

унинг ишга бўлган қизиқиши белгилаб беради. Ўқув материални тушуниш, эслаб қолишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Дарс жараёнида ўқитувчи турли вазиятларни тасаввур қилишни сўрайди. Бу ҳолат, албатта, бирон-бир ёрдамчи қуроллар-предметлар, макетлар, схемалар бўлган тақдирдагина ўқувчи тасаввурини ривожлантириши мумкин, Акс ҳолда бу ёшдаги болалар мустақил т а с а в в у р х а р а к а т л а р қ и л и ш г а қ и й н а л а д и л а р .

Психолог Пиаже тадқиқотларида 6-7 ёшли болалардан турли хил баландликдаги идишлардага сув миқдорини белх-илаш сўралган. Болалар сув миқдорини ,бир-бири билан тенг бўлган идишларда кўрганларидан сўнггина ўз жавоблари нотўғрилигини билганлар. Кичик мактаб даврида тасаввур асосан болалар расм чизаётганларида, шунингдек эртак ва хикоялар тўқиётанларида ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги болалар тасаввури жуда кенг ва хилма-хил бўлади. Айрим ўқувчилар реал борлиқни тасаввур этсалар, бошқалари эса фантастик образ ва вазиятларни тасаввур этадилар. Шу боис кичик мактаб ёшидаги болаларни реалистлар ва фантазёрларга ажратиш мумкин. Болалар кўпинча ўзларига маълум сиймолар, сюжетдардан фойдаланган ҳолда янги образларни тасаввур этадилар, яратадилар. Бу тасаввурлар замирида уларнинг кўрқувни енгкши, дўст топиши, хурсандчилик ҳислари ётади. Бундан ташқари тасаввур терапевтик натижа олиб келувчи фаолият сифатида ҳам намоён бўлиши мумкин, Бола реал ҳаётда қийинчиликларга дуч келиб, улардан чиқиб кета олмаган ҳолатда кўпинта хаёлга берилади. Масалан, меҳрибонлик уйида тарбияланаётган бола ўзининг ҳамма ҳавас қиладиган оиласи, уйи бўлишини, бу уйга ўғрилар келиб қолса, у қаҳрамонлик қилишини тасаввур қилади. ўз тасаввурида яхши ёки ёмон ҳолатларни бошидан кечирган бола ўзининг келгуси хатти-харакатлари мотивацияси учун замин тайёрлайди, Катталарга нисбатан тасаввурнинг болалар ҳаётида аҳамияти жуда катта. Бола тасаввур қилиб атроф-ҳаётни чуқурроқ била бошлайди, ўз-ўзининг шахсий тажрибасидан тасаввур ёрдамида четта чиқа олади, ижодий лаёқати ривожланади, шахсий хусусиятларининг ривожланишига х и з м а т қ и л а д и .

II боб. Шах шаклланишига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг психологик моҳияти.

2.1. Кичик мактаб ёши ўқувчиларининг шаклланиши ва ўқув фаолияти

Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги ўқувчи учун нафақаг билиш жараёнларининг юқори даражада ривожланиши, балки шахсий хусусиятларияи ривожлантириш учун ҳам имконият яратади. Етакчи бўлган ўқув фаолиятидан ташқари бошқа фаолиятлар ўйин, мулоқот ва меҳнат фаолияти ҳам ўқувчи шахси ривожига бевосита таъсир кўрсатади. Бу фаолиятлар асосида муваффақиятга эришиш мотивлари билан боғлиқ бўлган шахсий хусусиятлар таркиб топа бошлайди. Ўқув фаолияти кичик мактаб ёшидаги болаларда ўқишда маълум ютуқларга эришиш эҳтиёжини қондиришга, шунингдек, тенгдошлари орасида ўз ўрнига эга бўлишига имконият ҳам яратади. Айнан ана шу ўрин ёки мавқега эришиш учун ҳам бола яхши ўқиш учун ҳаракат қилиши мумкин. Бу ёшдаги болалар доимий равишда ўзлари эришган муваффақиятини бошқа тенгдошлари муваффақияти билан солиштирадилар. Улар учун доимо биринчи бўлиш ниҳоятда муҳим. Кичик мактаб даврида болалардаги мусобақага киришиш мотиви табиий психологик эҳтиёж ҳисобланиб, бу мотив уларга кучли эмоционал зўриқинши беради. Бу хусусиятлар аслида боғча давридан бошлаб юзага кела бошлайди ва кичик мактаб даврида, шунингдек ўсмир.шк даврида ҳам яққол кўзга ташланади. Кичик мактаб ёшдаги болалар катталарнинг у ҳақидаги фикр ва берган баҳоларига қараб, ўзларига ўзлари баҳо берадилар. Ўқувчининг ўзига-ўзи берадиган баҳоси, асосан, тўғридан-тўғри ўқитувчининг берадиган баҳосига ва турли фаолиятларидаги муваффақиятларига боғлиқ. Кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларда ўз-ўзига берадиган баҳолари турлича - юқори, адекват - мос ёки цаст бўлиши мумкин. Бу ёшдаги болаларда мавжуд бўлган ишонувчанлик, очиклик, ташқи таъсирларга берилувчанлик, итоаткорлик каби хусусиятлари уларни шахс сифатида тарбиялаш учун яхши имконият яратади. Кичик мактаб ёши даврини боланинг турли фаолиятларда муваффақиятга эришишни белгилаб берувчи асосий, шахсий хусусиятларни юзага келиж ва мустаҳкамлаш даври деб ҳисоблаш мумкин. Бу даврда муваффақиятга эришиш мотивлари таркиб топиши билан бир қаторда,

меҳнатсеварлик ва мустақиллик каби сифатлар ривожланади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда меҳнатсеварлик, асосан, ўқиш ва меҳнат фаолиятида ривожланади ва мустаҳкамланади. Меҳнатсеварлик болада ўзи қилаётган меҳнати уяга завқ берган тақдирдагина юзага келади. Болада мустақиллик хусусиятининг шаклланиши асосан катталарга боғлиқ. Агар бола ҳаддан зиёд ишонувчан, итоаткор, очиқ, хусусиятли бўлса, унда аста-секинроқ билан бўйсунувчанлик, тобелик хусусияти мустаҳкамлана боради. Бироқ болани вақтли мустақилликка ундаш, унда баъзи салбий хислатларнинг шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин, чунки ҳаётий тажрибаларини, асосан, кимдир, агардир тақлид қилган ҳолда ўзлаштиради. Мустақилликни шакллантириш учун болага мустақил бажарадиган ишларни кўпроқ топшириш ва унга ишонч билдириш ниҳоятда муҳимдир. Шунингдек, шундай бир ижтимоий психологик муҳит яраташ керакки, унда болага бирон бир масъул вазифани мустақил бажаришни топшириш, бу ишни бажариш жараёнида бола ўзини тенгдошлари, катталар ва бошқа одамларнинг лидери деб ҳис қилсин. Ана шу ҳис болада мустақил бўлишга ундовчи мотивларни юзага келтиради.

7-11 ёшли болалар ўзларининг индивидуал хусусиятларини англай бошлайдилар. Боланинг ўз-ўзини англаши ҳам жадал ривожлана боради ва мустаҳкамлана бошлайди, Бу даврда болалар ўзларининг исмларига янада кўпроқ аҳамият бера бошлайдилар ва уларнинг исмлари тенгдошлари ва атрофдагилари томонидан ижобий қабул қилинишига ҳаракат қиладилар. Болани ўзининг ташқи кўриниши ва гавда тузилишига берадиган баҳоси ҳам ўз-ўзини англашида аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб даврининг охирига бориб болалар, айниқса, қизлар ўзларининг юз тузилишларига алоҳида эътибор бера бошлайдилар. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчининг ўқув фаолияти жараёнида ўзидаги хулқ-атвори ва фаолиятни ўзи томонидан мувофиқлаштириш қобилияти ривожланади, онгли равишда бир фикрга кела олиш қобилияти ривожланади, ўз фаолиятини ўзи уюштиришга ҳамда билим олиш жараёнига бўлган қизиқишининг қарор топишига ёрдам беради. Ўқувчи хулқ-атворининг мотивлаштириши ҳам ўзгаради. Бунда дўстлари ва жамоанинг фикрлари асосий мотивлар бўлиб қолади. Ахлоқий ҳис-туйғулар ва шахснинг продавий хусусиятлари шаклланади.

5-6 ёшларда кўзга ташланган болаларнинг хусусиятлари йиллар давомида ривожланади ва мустаҳкамланади, ўсмирлик даврининг бошларига келиб, жуда кўпгина шахсий фазилатлар шаклланиб бўлади. Болаларнинг индивидуалликлари

уларнинг билиш жараёнида ҳам кўринади. Бу даврда болаларнинг билимлари кенгайди ва чуқурлашади, кўникма ва малакалари такомиллашади. 3-4 синфларга бориб, аксарият болаларда умумий ва махсус лаёқатлар кўзга ташланади. Кичик мактаб даврида ҳаёт учун ниҳоятда аҳамиятли бўлган муваффақиятга эришиш мотиви мустаҳкамланади, бу эса ўз-ўзидан бошқа лаёқатларни жадал ривожланишига олиб келади.

Бу ёшдаги болаларда идрок, диққат, хотира, тафаккур ва нутқ тўлиқ шаклланиб бўлгани учун ҳам уларга таълим беришда катталарга қўлланиладиган услублардан фойдаланиш мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болалар психик ривожланишига уларнинг атрофидаги одамлар, ота-онаси ва айниқса ўқитувчи билан бўладиган муносабати орқали эришиш мумкин. 3-4 синфларга бориб бола учун унинг ўртоқлари билан муносабатининг ҳам аҳамияти ортади. Бу муносабатлардан катталар таълим-тарбия мақсадларида фойдаланишлари мумкин. Бу ёшдаги болалар соатлаб ёлғиз ҳолда сеvimли машғулоти билан шуғулланишлари мумкин ва шу асосда уларда меҳнатсеварлик ва мустақиллик фазилатлари шаклланади.

Кичик мактаб ёшидаги бола ўқитувчиси билан яхши эмоционал муносабатда бўлади. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади, Боланинг ана шу фаоллиги хотирасининг муайян даражада ривожланганлигини билдиради. Оқилоца ташкил қилинган таълим жараёни мазкур ёшдаги болаларнинг тафаккури жадал ривожлантиради. Бу ёшдаги бола бошқа даврларга нисбатан кўпроқ нарсани ўзлаштиради. Мактаб таълими ўқувчининг турмуш тарзини, ижгамой мавқеини, синф жамоаси ва оила муҳитидаги ўрнини ўзгартиради. Унинг вазифаси ўқишдан, билим олиш, кўникма ва малакаларни эгаллаш, ўзлашггиришдан иборат бўлиб қолади.

Кичик мактаб ёшидаги боланинг муҳим хусусиятларидан бири, унда ўзига хос эҳтиёжларнинг мавжудлигидир. Бу эҳтиёжлар ўз моҳиятига кўра муайян билим, кўникма ва малакаларни эгаллашга қаратилмай, балки фақат ўхувчилик истагини акс этгаришдан ҳам иборатдир. Шу эҳтиёжлар асосида ўз портфелига, шахсий ўқув қуролларига, дарс тайёрланг столига, китоб қўйиш жавонига эга бўлиш, катталардек ҳар куни мактабга бориш истаги ётади.

Кичик мактаб ёшидаги бола ўзининг туб моҳияти ва вазифасини тушуниб етмайди, балки ҳамма мактабга бориши керак деб тутпунади. Катталарнинг

кўрсатмаларига амал қилиб тиришқоқлик билан машгулотларга киришиб кетади. Орадан маълум вақт ўтгач, шодиёна лаҳзаларнинг таассуроти камайиш билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва бола ўқишни кундалик ақлий меҳнат эканлигини англайди. Шунда бола ақлий меҳнат кўйикмасига эга булмаса унинг ўқигдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. ўқитувчи эса бундай ҳолининг олдини олиш учун болага таълимнинг уйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрланш керак. Таълимнинг мазмуни ўқувчининг билимларни эгаллашга қизиқиши ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг рағбатлантириши билан амалга оширилади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш мойили., истак ва иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳислари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни ривожланишига хизмат қилади. Кичик мактаб ёшидаги болаларни ўқитиш жараёни, ўқув фаолиятининг асосий компонентлари: ўқув вазиятлари, ўқув ҳаракатлари, назорат этиш ва баҳолаш билан (В.В.Давидов бўйича) таништаридан бошланади. Бу борада барча предметли ҳаракатлар ақлий ривожлантиришга қулай бўлган шароитда амалга оширилишн жуда муҳим. Агар бола ўқув ҳаракатларини нотўтри бажарса, бу унинг ўқув ҳаракатларини ё назорат ва баҳолаш билан боғлиқ ҳаракатларни билмаслиги, ёки уларни яхши эгалламаганлигидан бўлиши мумкин. Боланинг мустақил равишда бажарган ҳаракатлари натижаларини ўз хатги-ҳаракатлари хусусиятлари билан таққослай олишлари унда ўз-ўзини назорат этиш хусусиятларини маълум даражада шаклланидан далолат беради. ўқув вазиятларида болалар айрим турдаги масалаларни ечиш йўллари билан танишадилар ва уларни- эгаллаган зах.оти аниқ бир масалаларни ечишда амалий фойдаланадилар. Педагогик психологиянинг асосий талабларида бошлангич синф таълими дастурларидаги кўпгина мавзу ва бўлимларни ўргатиш болаларни маълум бир синфга тааллуқли намуналарини ўзлаштиришга йуналтиршя орқали ташкил этилиши керак деб таъкидланади. Тадқиқотларнинг к.урсатишича, бошлангич синф ўқувчиларининг масалаларни ечишдаги айрим йўл ва тушунчатшрни етарлича эгалламаганлиги бу тушунча ва йўллари шакллантиришда болалар барча керакли ўқув, ҳаракатларини бажаришга ўргатилинмаганлигининг натижасидир. ўқув фаолиятида назорат ва ўз-ўзини назорат этиш кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқув ҳаракатларини мустақил режалаштириши ва бажаришни шаклланишида жуда муҳимдир. Болалар

тафаккури ва нутқининг ривожланишида овоз чиқариб мулоҳаза юритишнинг ва бу услубдан ўқув жараёнида фойдаланишнинг аҳамияти катта. Овоз чиқариб мулоҳаза юритиш ва ўз ечимини асослаб бериш ақлий сифатларни ўсишига хизмат қилиб, киши ўз мулоҳазалари ва хатш-ҳаракатини таҳлил этиши ва англаниши ривожлантиради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ақлий ва ўқув материални ўзлаштириш имкониятлари анча юқори ҳисобланади. Тўтти ташкил этилган таълимда бу ёшдаги болалар ўрта мактаб дастурида кўрсатилган билимларга нисбатан кўпроқ билимларни тушунишлари ва ўзлаштиришлари мумкин. Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шу даврдан бошлаб, ўқув материални ўзлаштираётганининг дастлабки белгилари кўзга ташланади. Ўзлаштираётганининг асосий сабаблари; бу ақлий таракқиёт ва ўқувчанликнинг бирмунча орқада қолишидир Н.С.Лейтес мулоҳазаларига кўра инсон ёши улгайган сари ақлий ривожланиш даражаси бирмунча кўтарилади, ўқувчанлик эса бирмунча пасаяди, Кичик мактаб ёшидаги болаларнинг ўқувчанлига, албатта, ўсмир ва успиринларга нисбатан юқори, лекин ўсмир ва успиринларнинг ақлий ривожланганлиги бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан юқоридир. Ўқитувчанинг муомала ва муносабат услуби ўқувчишг хатти-ҳаракатига таъсир кўрсатади, ўқитувчининг дарс жараёнида ҳар бир ўқувчига таъсир кўрсатиши учун қулай имконияти бор, Ўқув фаолиятининг бошланиши жараёнида беланинг катгалар ва тенгдошлари билан қиладиган муомала-муносабатлари янгича тус ола бошлайди. "Бола-катта" муносабати " бола-ота-она" муносабатидан ташқарида юзага келади. Чунки, ўқитувчи болага ота-онага нисбатан кўпроқ равишда норматив талаблар қўяди. Биринчи бор мактабга келган бола ҳали узини тулиқ англаши ва ўзи хатти-ҳаракатларини аниқ билиши қийин. Фақат ўқитувчигина болага меъёрлар қўйиши, уларнинг ҳагга-ҳаракатларини баҳолаши мумкин. ўз хатга-ҳаракатларини бошқалар билан мослақтаришга шароит яратиши мумкин. Бошланғач синфда ўқувчилар ўқитувчи томонидан қўйиладиган янги шартларни қабул қиладилар ва уларнинг қоидаларига тўла амал қилишга ҳаракат қиладилар. Бола учун ўқитувчи унинг психологик ҳолатини белгилаб берувчи асосий фигура ҳисобланиб, бу ҳолат унинг нафақат синфдаги, балки, умуман тенгдошлари билан буладиган муносабатига, бу муносабат эса ўз-уздан оиласидаги муносабатларига ҳам таъсир кўрсатади. Шунингдек, бу муносабатлар унинг ўқув фаолияти муваффақиятини ҳам белгилаб беради, ўқитувчининг ўқувчиларга таъсир кўрсаташи ва муносабатининг қўйидаги

услуглари мавжуд. Авторитар услуб: бу қаттиққўллик булиб, бунда ўқитувчи ўқувчиларини сўзсиз ўзига бўйсунтиришни талаб этади. Лекин, нима учун қаттиққўллик қилаётганини ёки ўқувчиларига нима учун ўзларини шундай тутишлари лозимлигини тушунтириб бермайди, шунингдек, ўқувчиларни ўз хатти-ҳаракатларини мустақил бошқаришга ҳам ўргатмайди. ўқитувчи дарс давомида ўқувчиларилан жим ўтиришни, саволларга доимо қўл кўтариб, ўқитувчининг рухсати билан жавоб беришни, ўқитувчининг кўрсатмаларини сўзсиз бажаришни талаб этади.

Бундай педагоглар ўқувчиларнинг қизиқишлари асосида эмас, балки асосан ўқув режаси асосида дарс ўтадилар. Дарс давомида ҳам баҳс-мунозара учун деярли имконият яратилмаган ҳолда асосан ўқитувчининг фикри сингдирилади, ўқувчилар билан муомала муносабатда ҳам уларнинг индивидуал психологик хусусиятлари, жумладан, нерв тизимининг қўзғалувчанлик даражасини ҳам эътиборга олмайдилар. Бу услуб ўқитувчини синфдан, ўқувчидан узоқлаштиради. Эмоционал совуқлик синфда интизомли ўқувчида яққаланиш, хавотирлик, ҳимоя қилинмаганлик ҳиссини ҳам юзага келтиради. Бу услуб синфда юқори ўзлаштириш кўрсаткичини бериши, лекин бу ўзлаштириш, асосан, хотира эвазига бўлиб, лекин мустақил тафаккур, ижодкорлик, ҳозиржавоблик каби хусусиятларни ривожланишдан ортда қолишига сабаб бўлади, унда доимий хавотирлик ўзига нисбатан ишончсизликни келтириб яққаради.

Императив услубдаги ўқитувчининг ўқувчилари ўқитувчи синфда бўлмаган вақтларда ўз-ўзини бошқариш малакаси бўлмаганлиги учун ҳам интизомга мутлақо бўйсунмайдилар. Бу, асосан, тўполонда намоён бўлади. Бу услуб ўқитувчининг мустақам иродасини кўрсатади, лекин бу иродада ўқувчига нисбатан муҳаббат ҳамда ўқувчининг "устозим мени яхши кўради" деган фикри эмас, балки қўрқув ҳисси мавжуддир.

Демократик услуб ўқитувчи билан ўқувчи ўртасида дўстона муносабат ўрнатилишига асос бўлади. Дарсдаги интизом мажбурий эмас, балки мувафакқиятга эришиш гарови сифатида болалар ижобий эмоцияни, ўзига ишонч, ўз мувафакқияти, ютуқларидан қувониши, дўстлари билан фаолиятда ҳамкорлик ҳиссини беради. Демократик услуб болаларни бирлаштиради. Шу билан бирга ўзининг фаолияти натижаларига қизиқиш ўйғотган ҳолда ўзи учун ўзи ҳаракат қилнши лозимлигини аниқлатади ўзини-ўзи бошқаришга, ўз хатти-ҳаракатини ўзи назорат қилишга ўргатади. Ҳар

бир ишга масъулият билан ёндошиш ҳисси ўқитувчининг шу ёшдаги болалар билан демократик муомала муносабати асосидагина шаклланади.

Либерал услуб касбий лаёқати йўқ бўлган ўқитувчиларга хос бўлган услубдир. Бундай ўқитувчи дарс жараёнини яхши ташкил эта олмайди. Бундай дарсларда ҳар бир бола ўз тарбияланганлик даражасига қараб ўзини тутати. Бола ўз мажбуриятларини яхши ҳис қилмайди. Муомала муносабатдаги либерал услуб психология ва педагогика фанларига мутлақо зид услуб ҳисобланиб, болалар шахсини шакллантириш ва тарбиялаш жараёнида бу усулни қўллаб бўлмайди. Шундай қилиб, бошланғич синф ўқувчилари билан муомала-муносабатдаги императив услуб, асосан, маълум бир чегараларга асосланган ҳолда бола шахси ривожига салбий таъсир кўрсатади. Демократик услуб ўқитувчидан муомала-муносабатда жуда катта касбий маҳоратни талаб этган ҳолда, бола шахсининг ижобий томонларини ривожлантирувчи ягона услуб ҳисобланади. Либерал услуб эса ўқувчини эмоционал зўриқтирмайди, лекин унинг шахси ривожига ҳам самарали таъсир кўрсатмайди. Ўқитувчининг муносабат услуби ўқувчининг фаоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчи фаоллигининг асосан уч хил кўриниши мавжуд бўлиб булар жисмоний, психик ва ижтимоий фаолликдир.

Жисмоний фаоллик - соғлом организмнинг ҳаракат қилишга бўлган турли мавжуд тўсиқларни енгишдаги табиий эҳтиёждир. Бу ёшдаги болалар ниҳоятда серҳаракат бўладилар, Бу жисмоний ҳаракат боланинг атрофдаги нарсаларга қизиқиш билан қараётганлиги, уларни ўрганишга ҳаракат қилаётгани билан ҳам боғлиқдир. Боланинг жисмоний ва психик фаоллиги ўзаро боғлиқдир. Чунки, психик соғлом бола ҳаракатчан булади, чарчаган, сиқилган бола эса деярли ҳеч нарса билан қизиқмайди. Психик фаоллик - бу нормал ривожланаётган боланинг атроф оламдаги предметларни, инсоний муносабатларни билишга нисбатан қизиқишдир. Психик фаоллик деганда, болани ўзини бйлшга нисбатан эҳтиёжи ҳам тушунилади, Мактабга биринчи бор келган болада қатор қийинчиликлар юзага келади. Уларга, аввало, бир қанча мактаб қоидаларига бўйсунуши қийин кечади. Бошланғач синф ўқувчиси учун энг қийин қоида бу дарс вақтида жим ўтиришдир. Ўқитувчилар ўқувчиларнинг доимо жим ўтиришига ҳаракат қилишади, лекин камҳаракатли, пассив, қуввати кам бўлган ўқувчигина дарс жараёнида узок вақт жим ўтира олади. ўқувчини қандай қилиб мактаб қоидаларига бўйсунушга ўргатиш

мумкин? Бу борада ўқитувчининг ўқувчилари билан қиладиган муомала-муносабат услубининг аҳамияти жуда катта. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг муҳим хусусиятларидан бири улардаги ўқитувчига ишонч хисси бўлиб, бунда ўқитувчининг ўқувчига таъсир кўрсатиш имконияти жуда каттадир. Бола ўқитувчини ақл соҳиби, зийрак, сезгир, меҳрибон инсон деб билади. Ўқитувчининг обрўси олдида ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари, қариндош уруғларининг нуфузи кескин камаяди. Шу сабабли, болалар ўқитувчининг ҳар бир сўзини қонун сифатида қабул қиладилар. Демак, кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ривожда етакчи бўлган ўқув фаолияти ўқитувчи шахси ва ўқувчи билан муносабат услубининг аҳамияти жуда катта.

Инсон биологик мавжудот, шунинг учун унинг психик ривожланишига таъсир қилишда иккита ажойиб омил курсатилади:

1. Биологик –табиат.
2. Жамият томонидан ташкиллаштирилган таълим ва тарбия. Ушбу омилларнинг узаро муносабати турли назариялар билан куриб чиқилган.

Биологизатор инсондаги табиатан берилган хаётий жараёнларни ҳал қилувчи омил сифатида унинг ривожланишини белгилаб беришини тан олишади. Бу йуналишда одам табиатдаги биологик аҳамиятини баҳолаш, турли назарияларга асосланиб очиқ келинади. Ташқи биологик таъсир омиллари социологизаторлар нуқтаи-назарида аҳамиятсиздир. Мазкур иккита ёндашув метафизикадир. Улар фақат битта омилни тан олишиб уни узаро муносабат ва боғлиқликни кура олмаган. Психологик йул психика ривожланишидаги диалетик муаммоларни ҳал қилишда инсонни биологик мавжудот сифатида қараб, икки омилнинг яхлит фаолияти психикани тушунишдаги материалистик жихатдан миянинг объектив акси субъективда деб қаралган. Муаммони ечишда диалетик материалистик ёндашув инсон табиий маълумотларига психик ривожланишни биологик-анатомик хусусиятларининг боғлиқлигини асосий психик фаолияти сифатида бош миянинг олий нерв фаолияти вужудга келади ва болани ураб турган ташқи таъсирлар ҳаёт тарзи жамият тарихи психик ҳаётни таркибига кириб инсон шахсини шакллантиради.

3-7 ёшгача булган давр богча ёши даври хисобланади. Мактабгача ёшдаги болалар психологиясида жуда тез сифат узгаришлари булишини инобатга олган ҳолда богча ёшидаги болалар шахсининг шаклланишига кура бу даврни уч қисмга ажратиш мумкин: Биринчи давр – бу 3–4 ёш оралигида булиб, бола эмоционал жихатдан уз–узини бошқаришнинг мустаҳкамланиши билан боғлиқдир. Иккинчи давр – бу 4–5 ёшни ташкил

қилиб ахлоқий уз –узини бошқариш. Учинчи давр эса шахсий ишчанлик ва тадбиркорлик хусусиятининг шаклланиши билан характерланади.

Мактабгача даврда ахлоқий тушунчалар борган сари катталаша боради. Ахлоқий тушунчалар манбаи булиб уларнинг таълим –тарбияси билан шугулланаётган катталар, шунингдек, тенгдошлари ҳам булиши мумкин. Ахлоқий тажрибалар асосан мулоқот, кузатиш, тақлид қилиш жараёнида, шу билан бирга катталарнинг айниқса оналарнинг мақтови ва танқидлари орқали утади ва мустахкамланади. Бола доимо баҳо, айниқса мақтов олишга ҳаракат қилади. Бу баҳо ва мақтовларнинг бола шахсидаги муваффақиятга эришишга ҳаракат хусусиятининг ривожланишида, шунингдек, унинг шахсий ҳаёти, ҳамда касб танлашида ахамияти жуда катта.

Богча ёшидаги даврда болаларда мулоқотнинг янги мотивлари юзага келади. У шахсий ва ишбилармонлик мотивларидир. Шахсий мулоқот мотивлари бу – боланинг ташвишга солаётган ички муаммолари билан боглиқ ишбилармонлик мотивлари эса у ёки бу ишни бажариш билан боглиқ булган мотивлардир. Бу мотивларга аста–секинлик билан билим, куникма ва малакаларни эгалаш билан боглиқ булган уқиш мотивлари қуйилади. Бу мотивлар илк болалик даврдан бошланиб юзага келадиган болаларнинг табиий қизиқувчанлиги урнида пайдо булади. Узини курсатиш мотивлари ҳам бу ёшда яққол намоён булади. Бу мотив асосан болаларнинг сюжетли – ролли уйинларда асосий ролни эгаллашга бошқалар устидан раҳбарлик қилишга, мусобақага киришишга қурқмаслигида нима булганида ҳам ютишга ҳаракат қилишларида куринади. Мактабгача ёш даври болалари учун катталар берадиган баҳолари жуда муҳим. Болалар биринчи навбатда маиший ахлоқ норма ва қоидаларни, уз мажбуриятларига муносабат, кун тартибига риоя этиш, хайвон ва нарсалар билан муомала қилиш нормаларини эгалайдилар. Бундай нормаларни эгаллаш бу ёшдаги болалар учун қийин ҳисобланиб, уларни яхши узлаштириш учун сюжетли –роли уйинлар ёрдам бериши мумкин. Богча ёшининг охирларига келиб, купчилик болаларда аниқ бир ахлоқий қарашлар таркиб топади, шунингдек, одамларга муносабат билан боглиқ булган шахсий сифатлар ҳам шаклланади.

Кишиларга нисбатан диққатли, меҳрибон булиш хусусиятидир. Катта ёшдаги болалар куп ҳолларда уз хатти –ҳаракатлари сабабини тушунтириб бера оладилар. 3-5 ёш ораллигида узларининг муваффақият ва муваффақиятсизликларига уз муносабатларини билдирадилар ва бу муносабат асосан уларнинг узларига берадиган баҳолари асосида булади. 4 ёшли болалар эса уз имкониятларини реал баҳолай оладилар. Лекин 4–5 ёшли болалар ҳали шахсий хусусиятларини идрок этишга ва баҳолашга қодир эмаслар, шунингдек узлари ҳақида маълум бир ҳулосани бера олмайдилар. Уз –узини англаш лаёқати катта богча ёшидан бошлаб ривожланиб аввал у қандай булганини ва келажакда

қандай булишини фикрлаб куришга харакат қилади. Бу эса болалар берадиган «Мен кичкина пайтимда қандай булган эдим?», «Мен катта булганимда қандай буламан?» сингари саволларида куринади. Келажак хақида фикр юритиб, болалар келгусида кучли, жасур, ақлли ва бошқа шу сингари қимматли инсоний фазилатларига эга булишига харакат қиладилар.

Кичик ва ўрта богча ёшида бола характерининг шаклланиши давом этади. У асосан болаларнинг катталар характерини кузатишлари асосида таркиб топади. Шу йиллардан бошлаб болада ахамиятли хисобланган–ирода, мустақиллик ва ташаббускорлик каби ахамиятли шахсий хусусиятлар ривожлана бошлайди. Катта богча ёшида бола атрофдаги одамлар билан турли фаолиятларда мулоқот ва муносабатларга киришишга ургана бошлайди. Бу эса унга келажакда одамлар билан тил топишишда, иш буйича ва шахсий муносабатларни нормал равишда урната олишида фойда келтиради. Бу ёшдаги болалар шахсининг шаклланишида уларнинг ота –оналари хақидаги фикрлари ва уларга берадиган бахолари нихоятда ахамиятлидир.

Бола ривожланиш жараёнида одамларнинг илгари утган авлодлари томонидан яратилган предмет ва ходисалар олами билан алоҳида махсус муносабатга киришади. Бола инсоният қулга киритган барча ютуқларни фаол равишда узлаштириб, эгаллаб боради. Бунда предметлар оламини, ҳамда улар ёрдамида амалга ошириладиган хатти – харакатларни, тилни, одамлар орасидаги муносабатларни эгаллаб олиши, фаолият мотивларининг ривожланиши, қобилиятларнинг усиб бориши, катта ёшли кишиларнинг бевосита ёрдамида амалга оширилиб борилмоғи керак. Асосан мана шу даврдан бошлаб боланинг мустақил фаолияти кучая бошлайди. Богча ёшдаги болаларга бериладиган тарбия уларнинг мураккаб харакатларини такомиллаштириш, элементар гигиена, маданий ва меҳнат малакалари хосил қилиш, нутқини устириш ҳамда ижтимоий ахлоқ ва эстетик диднинг дастлабки куртакларини юзага келтириш давридир.

Машхур рус педагогларидан бири Лесгафтнинг фикрича инсоннинг богча ёшдаги даври шундай бир даврки, бу даврда болада келгусида қандай характер хислатлари пайдо булиши белгиланади ва ахлоқий характернинг асослари юзага келади.

Богча ёшдаги болаларнинг кузга ташланиб турувчи хусусиятларидан бири уларнинг серхаракатлиги ва тақлидчанлигидир. Бола табиатининг асосий қонунини шундай ифодалаш мумкин: бола узлуксиз фаолият курсатишни талаб қилади, лекин у фаолият натижасидан эмас, балки фаолиятнинг бир хиллиги ва бир томонламалигидан чарчаб қолади. Мана шу сузлардан богча ёшидаги бола табиатнинг асосий қонуни булмиш серхаракатлигини ортиқ чеклаб ташламай, балки мақсадга мувофиқ равишда уюштириш кераклиги яққол куришиб турибди.

Катталар ва тенгдошлари билан булган муносабат орқали бола ахлоқ нормалари, кишиларни англаш, шунингдек, ижобий ва салбий муносабатлар билан таниша бошлайди. Богча ёшидаги бола энди уз гавдасини жуда яхши бошқара бошлайди. Унинг харакати мувофиқлаштирилган холда булади. Бу даврда боланинг нутқи жадал ривожлана бошлайди. У янгиликларни эгаллашга нисбатан узи билганларини мустахкамлашга эхтиёж сезади. Узи билган эртагини қайта-қайта эшитиш ва бундан зерикмаслик шу даврдаги болаларга хос хусусиятдир.

Богча ёшдаги болалар эхтиёжи ва қизиқишлари жадал равишда ортиб боради. Бу аввало кенг доирага чиқиш эхтиёжи, муносабатда булиш, уйнаш эхтиёжларининг мавжудлигидир. Богча ёшидаги болалар нутқни бир мунча тула узлаштирганлари ва хаддан ташқари харакатчанликлари туфайли уларда узларига яқин булган катта одамлар ва тенгдошлари билан муносабатда булиш эхтиёжи тугилади. Улар тор доирадан кенгрок доирадаги муносабатларга интила бошладилар. Улар энди куни-кушнилари билан болалари билан хам жамоа булиб уйнайдилар.

Хамма нарсани билиб олишга булган эхтиёж кучаяди. Богча ёшидаги бола табиатига хос булган кучли эхтиёжлардан яна бир унинг хар нарсани янгилик сифатида куриб бола уни хар томонлама билиб олишга интилишидир.

Богча ёшдаги болалар хаётида ва уларнинг психик жихатидан усишида қизиқишнинг роли хам каттадир. Қизиқиш худди эхтиёж каби боланинг бирор фаолиятга ундовчи омиллардан биридир. Шунинг учун хам қизиқишни билиш жараёни билан боглиқ булган мураккаб психик ходиса деса булади.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг ахамияти шундаки, бола қизиққан нарсасини мумкин қадар чуқуррок билишига интилади ва бинобарин узоқ вақт давомида қизиққан нарсаси билан шугулланишдан зерикмайди. Бу эса уз навбатида боланинг диққати хамда иродаси каби мухим хислатларни устиришга ва мустахкамлашишга ёрдам беради. Богча ёшидаги болаларда сезги, идрок, диққат, хотира, тасаввур, тафаккур, нутк, хаёл, хиссиёт ва ироданинг ривожланиши жадал кечади. Бола рангларни хали бир-биридан яхши фарк қила олмайди. Унга рангларнинг фарқини билишга ёрдам қиладиган уйинчоқлар бериш лозим(болаларнинг қугирчоқлари учун хар хил рангли қийқимлар бериш, хар хил рангли халқалар, қутичалар ва шунинг сингари нарсалар жуда яхши булади).

Богча ёшидаги болалар турли нарсаларни идрок қилишда уларнинг кузга яхши ташланиб турувчи белгиларига (ранги ва шаклига) асослансалар хам, лекин чуқур тахлил қилмайдилар.

Богча ёшидаги болалар катталарнинг ёрдами билан суратларни аналитик равишда идрок қилиш қобилятига эга буладилар. Бунинг учун болалар суратларни идрок

қилаётганларида катталар турли хил саволлар билан уларни тахлил қилишга ургатишлари лозим. Бунда асосан болалар диққатини: суратнинг мазмунини (сюжетини) тугри идрок қилишга, суратнинг умумий қуринишида хар бир тасвирланган нарсаларнинг урнини тугри идрок қилишга, тасвирланган нарсалар уртасидаги муносабатларни тугри идрок қилишга қаратиш керак.

Диққат хар қандай фаолиятимизнинг доимий йулдошидир. Шунинг учун диққатнинг инсон ҳаётидаги ахамияти ҳам бениҳоя каттадир. Богча ёшидаги болалар диққати асосан ихтиёрсиз булади. Богча ёшидаги болаларда ихтиёрий диққатнинг усиб бориши учун уйин жуда катта ахамиятга эга. Уйин пайтида болалар диққатларини бир жойга туплаб, уз ташаббуслари билан маълум мақсадларини илгари сурадилар.

Бу ёшдаги боланинг хотираси янги фаолиятлар ва боланинг олдида қуйилган янги талаблар асосида такомиллаша боради.

Богча ёшидаги болалар узларининг фаолиятлари учун қандайдир ахамиятга эга булган, уларда кучли таассуротлар қолдирган ва уларни қизиқтирган нарсаларни беихтиёр эсларида олиб қоладилар.

Богча ёшидаги болалар тафаккури ва унинг усиши узига хос хусусиятга эга.

Тафаккур боланинг богча ёшидаги даврида жуда тез ривожлана бошлайди. Бунинг сабаби, биринчидан, богча ёшидаги болаларда турмуш тажрибасининг нисбатан купайиши, иккинчидан, бу даврда болалар нутқининг яхши усган булиши, учинчидан эса, богча ёшидаги болаларнинг жуда куп эркин мустақил ҳаракатлар қилиш имкониятига эга булишларидир.

Богча ёшидаги болаларда хар сохага доир саволларнинг тугилиши улар тафаккурининг фаоллашаётганидан дарак беради. Бола уз саволига жавоб топа олмаса ёки катталар унинг саволига ахамият бермасалар, ундаги қизиқувчанлик сусая бошлайди.

Одатда хар қандай тафаккур жараёни бирон нарсдан таажжубланиш, хайрон қолиш ва натижада турли саволларнинг тугилиши туфайли пайдо булади. Жуда куп ота-оналар ва айрим тарбиячилар ҳам болалар ортиқроқ савол бериб юборсалар, «куп махмадона булма», «сен бундай гапларни қаердан ургандинг», деб жеркиб ташлайдилар. Натижада бола уксиниб, уз билганича тушунишга ҳаракат қилади. Аммо айрим пассив ва тортинчоқ болалар ҳеч бир савол бермайдилар. Бундай болаларга турли машгулотлар ва саёхатларда катталарнинг узлари савол беришлари ва шу билан уларни фаоллаштиришлари лозим.

Хар қандай тафаккур, одатда бирон нарсани таққослаш, анализ ва синтез қилишдан бошланади. Шунинг учун биз ана шу таққослаш, анализ ва синтез қилишни тафаккур жараёни деб атаймиз. Саёхатларлар болалардаги тафаккур жараёнини фаоллаштириш ва

ривожлантиришга ёрдам беради. Болалар табиатга қилинган саёхатларда турли нарсаларни бир-бири билан таққослайдилар ва анализ ҳамда синтез қилиб куришга интиладилар.

Богча ёшидаги болалар нутқи ва унинг усиши, агар 2 яшар боланинг суз запаси тахминан 250 тадан 400 тагача булса, 3 яшар боланинг суз запаси 1000 тадан 1200 тагача ва 7 яшар боланинг суз запаси 4000 тага етади. Демак, богча ёши даврида боланинг нутқи ҳам миқдор, ҳам сифат жихатидан анча такомиллашади. Богча ёшидаги болаларнинг нутқини усиши оиланинг маданий савиясига боглик.

Катталар болалар нутқини устириш билан шугулланар эканлар, богча ёшидаги болалар баъзи холларда уз нутқ сифатларини тула идрок эта олмасликларини унутмасликлари керак. Бундан ташқари, болаларда мураккаб нутқ товушларини бир-биридан фарқ қилиш қобилияти ҳам хали тула такомиллашмаган булади. Тили чучукликни тузатишнинг энг биринчи шартларидан бири бола билан тула ва тугри талаффуз этиб, равон тил билан гаплашишдир. Богча ёшидаги болаларда ёқимли ва ёқимсиз хис-туйгулар гоят кучли ва жуда тез намоён булади. Богча ёшидаги болаларнинг хис-туйгулари улар органик эхтиёжларининг қондирилиши ва қондирилмаслиги билан богликдир. Бу эхтиёжларнинг қондирилмаслиги сабабли болада нохушлик(ёқимсиз), норозилик, изтиробланиш туйгуларини кузгайди.

Катта богча ёшидаги болаларда бурч хисси – нима яхши-ю, нима ёмонлигини англашлари билан ахлоқий тасавурлари уртасида богликлик бор. Катта одамлар томонидан буюрилган бирон топширикни бажарганларида мамнунлик, шодлик туйгулари пайдо булса, бирон тартиб қонидани бузиб қуйганларида хафалик, таъби хиралик хисси тугилади.

Шунингдек, богча ёшидаги болаларда маънавий хиссиётлардан уртоқлик, дустлик ва коллективизм хислари ҳам юзага кела бошлайди.

Боланинг богча ёшидаги даврида эстетик хиссиётлар ҳам анча тез усади. Богча ёшидаги болаларда эстетик хисларнинг намоён булишини улар бирон чиройли, янги кийим кийганларида жуда яққол куриш мумкин.

Катта богча ёшидаги болаларда бурч хисси – нима яхши-ю, нима ёмонлигини англашлари билан ахлоқий тасавурлари уртасида богликлик бор. Катта одамлар томонидан буюрилган бирон топширикни бажарганларида мамнунлик, шодлик туйгулари пайдо булса, бирон тартиб қонидани бузиб қуйганларида хафалик, таъби хиралик хисси тугилади.

Шунингдек, богча ёшидаги болаларда маънавий хиссиётлардан уртоқлик, дустлик ва коллективизм хислари ҳам юзага кела бошлайди.

Боланинг богча ёшидаги даврида эстетик хиссиётлар ҳам анча тез усади. Богча ёшидаги болаларда эстетик хисларнинг намоён булишини улар бирон чиройли, янги кийим кийганларида жуда яққол куриш мумкин. Бу даврда болаларда аввало билиш сохалари сунгра эса эмоционал мотивацион йуналиш буйича ички шахсий хаёт бошланади. У ёки бу йуналишдаги ривожлашин образлиликдан то символлиликгача булган босқичларни утайди. Образлилик деганда болаларнинг турли образларни яратиш, уларни узгартириш ва уларни эркин харакатга солиш, символлилик деганда эса белгилар системаси (математик, лингвистик, мантиқий ва бошқалар) билан ишлаш малакаси тушунилади. Мактабгача ёш даврда ижодкорлик жараёни бошланади. Ижодкорлик лаёқати асосан болаларнинг конструкторлик уйинларда, техник ва бадий ижодларида намаён булади. Бу даврда махсус лаёқатлар куртакларнинг бирламчи ривожланиши кузга ташлана бошлайди. Билиш жараёнларида ички ва ташқи харакатларнинг синтези юзага келади. Бирон бир нарсани идрок қилиш жараёнида бу синтез персентив харакатларда, диққатда ички ва ташқи харакатлар ва холатлар режасини бошқариш ва назорат этишда, хотирада эса материални эса сақлаб қолиш ва эсга тушуришнинг ички ва ташқи тузилмасини боглай олишда куринади. Тафаккурда эса амалий масалалар ишининг усулларини битта умумий жараёнга бирлаштириш сифатида яққол номоён булади. Шунинг асосида инсоний интелект шаклланади ва ривожланади. Мактабгача даврда тасаввур, тафаккур ва нутқ умумлашади. Бу эса бу ёшдаги болаларда тафаккур қилиш омили сифатида ички нутқ юзага келаётганидан далолат хисобланади. Билиш жараёнларнинг синтези боланинг уз она тилисини тулиқ эгаллаши асосида ётади. Бу даврда нутқнинг шаклланиш жараёни яқунлана бошлайди. Нутқ асосидаги тарбия жараёнида болада элементар ахлоқий норма ва қоидалар эгаланилади. Бу норма ва қоидалар бола ахлоқини бошқаради.

Бола ва атрофидаги кишилар орасида хилма хил муносабатлар юзага келиб, бу муносабатлар асосида турли хил мотивлар ётади. Буларнинг хаммаси боланинг индивидуаллигини ташкил этиб, унинг бошқа болалардан нафақат интелекти балки ахлоқий мотивацион жихатдан фаркланадиган шахсга айлантиради. Мактабгача ёшдаги болалар шахси ривожининг чуққиси булиб, уларнинг уз шахсий сифатлари, лаёқатлари, муваффақият ва муваффақиятсизликларини англаш, уз-узини англаш хиссининг юзага келгани хисобланади.

2.2. Кичик мактаб ёшининг психологик муамолари.

Биринчи марта мактабда кадам куюдиган биринчи синф уқувчиларнинг мактабга борганда мактаб талабларига шароитларига мослашиш учун маълум вақт керак булади. Амалда мослашиш вақти ҳамма болаларда ҳам бир хилда самарали утмаслиги мумкин. Боланинг мактабда мослашишдаги кийинчиликлар фақат ота - оналар арзлардигина эмас, балки уқитувчиларнинг уқувчиларга бераётган характеристикаларида ҳам қайд этилмоқда. Масалан, ота оналар боланинг мактабга бориши, уй вазифасини бажаришни хохламаётганини, унинг тутқиш бермаслиги, жуда асабий булиб қолганини айтишса, уқитувчилар бу болаларнинг дарсда диққатсизлигида тартибсизлигида, тингдошлари билан тез-тез айтишиб қолишларига эътибор беришмоқда. Бундай болаларда асабий рухий бузилиш, психик ривожланишда орқада қолиш вужудга келади. Болалар мактабда уқишга қанчалик тайёр булмасалар, мактабда мослашиш даври шунчалик кийин ва узок утади. Психологлар боланинг мактабда уқишга тайёр деганларида унинг жисмоний, психологик ва шахсий тайёргарлигини назарда тутадилар. Уқишнинг дастлабки ойларида мактаб психологиясининг биринчи синф уқувчилари билан, олиб борадиган асосий ишлари қуйидагилардан иборат.

а) мактабга мослашишга кийналяётган болаларни аниқлаш;

б) бу болаларда психологик ердам курсатиш.

Бу вазифани бажариш учун болани мактабга мослашишдаги кийинчилик курсакичларини аниқлаш лозим. Курсаткичлар қуйидагича булиши мумкин;

1) Уқув материални узлаштиришда;

2) Уқитувчи талабларини бажаришда кийналиш, уқув вазифаларини бажаришда ихтиерийлик хусусиятлари ҳаракат активлигининг узгариши, боланинг эммонал хусусиятлари, уқишга, мактаб ҳаётига қизиқишлари, уқитувчи ва тенгдошлари билан мулоқотга иришишларидаги кийинчиликларидир.

Мактаб таълимига психологик тайёргарлик деганда, боланинг **объектив** ва **субъектив** жиҳатдан муносиблиги, билиш жараёнлари билан шахс хусусиятларининг ўзаро муносиблиги назарда тутилади. Ўқувчи мактаб таълимига кенг маънода психологик жиҳатдан объектив тайёр бўлади. Бинобарин, унинг психикаси билим олишга етарли даражада таракқиёт босқичига эришади. Ушбу ёшдаги бола ўз идрокнинг ўткирлиги, равшанлиги, софлиги, аниқлиги, унинг қизиқувчанлиги, дилқашлиги, хайрихоҳлиги, ишонувчанлиги, ҳаёлининг ёрқинлиги, хотирасининг қучлилиги билан бошқа ёшдаги ўқувчилардан (жумладан, ўсмирлардан) ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёргарлик қўраётган болада диққат нисбатан узок муддатли ва шартли равишда барқарор қўринишга эга, деб ҳисоблаш мумкин. Диққатнинг хусусиятлари (тақсимланиши, қўчиши, қучи, барқарорлиги, бўлиниши, тебраниши ва бошқалар) унинг

роли ва сюжетли ўйин фаолиятларида, расм чизиш ва кўриш, яшаш машғулотида, лой ҳамда пластилиндан нарсалар яшашда, катта ёшдагилар ва тенқурлари нутқини идрок қилиш ва тушунишда, математик амалларни бажаришда, ҳикоя тинглаш ҳамда шахсан ўзи ҳам тузишда бевосита намоён бўлади. Бу даврга келиб, бола ўз диққатини муайян объектга, нарсаларга ва ҳодисаларга йўналтиришга, тўплашда ва уни мустаҳкамлашда ҳамда тақсимлашда маълум даражада кўникмани эгаллаган бўлиб, ўз диққатини бошқариш, зарур пайтда, уни шахсан ташкил қилишга интилади. Унинг хотираси қизиқарли ажойиботларга, ғаройиботларга бой, вояга етган кишини таажубга соладиган маълумотлар ва ҳодисаларни пухта эсда олиб қолиш, эсда сақлаш, эсга тушириш имкониятига эгадир. Шу давргача бевосита катталар раҳбарлигида у ёки бу ахборотларни эгаллаб келган бўлса, энди у ўз хоҳиш иродаси билан, муайян мотивацияга асосланган ҳолда зарур маълумотлар олишга, ўз олдига яққол мақсад ва аниқ вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Боланинг муайян тараққиёт даражасига эришганлигини унинг хотираси фаоллиги намоён қилади. У ўзининг унча бой бўлмаган шахсий тажрибасига асосланиб, шеър, ҳикоя, эртакларни эсда қолдириш учун уларнинг такрорланганлиги, ёд олишнинг қулай йўл ва усулларида фойдаланганлиги таълим жараёнида унга жуда қўл келади. Демак, у ўқиш, идрок қилиш, ўзлаштириш техникаси билан яқиндан танишишга эришади.

Биринчи синф ўқувчиси, кўпинча яққол образли хотирага суянган ҳолда билиш фаолиятини (когнитив ҳолатни) ташкил этса ҳам, бирон бир нарсани эслашда хотиранинг бошқа турларини сира истисно қилмайди, балки аксинча, таълим шахсдан сўз-мантиқ хотирасини тақозо қилади, ижодий продуктив йўл билан билимларни эгаллашни талаб этади. Сўз-мантиқ хотирасининг мавжудлиги матннинг маъносига тушуниб эсда олиб қолиш жараёнининг самарадорлигини орттиришга имконият яратади. Тажрибалардан шу нарсалар маълумки, бола маъносиз сўзлардан кўра, кўпроқ маънодор илмий тушунча ҳамда атамаларни яратиш, тузатиш ва мустаҳкамроқ эсда олиб қолиш хусусиятларига эга. Унинг нутқи таълимга тайёргарлик кўриш босқичида катталар билан мулоқотга киришиш, ўзгалар фикрини уқиб олиш ва уни мақсадга мувофиқ тўғри идрок қилиш даражасига тўла жавоб бера олади.

Ўқувчи ўзи эшитган нарсаларни, воқелик тўғрисидаги маълумотларни тўғри тушуна олади, ўзида мавжуд бўлган ахборотларни муайян тартиб билан баён қила билади, ақлий фаолият операцияларидан қринли фойдаланилади (нарсаларни таққослайди, яққолаштиради, гуруҳларга ажратади).

Юқорида юритилган мулоҳазаларга асосланган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, болаларнинг психологик тайёргарлик даражаси таълимни муваффақиятли уйдлаш, амалга ошириш учун мутлақо кафолат бера олади. Бу ўринда унинг шахсий

хусусиятлари шаклланганлиги юзасидан ҳам маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Болада шахснинг бир қатор фазилатлари ва хусусиятлари яққол кўзга ташланади: қатъийлик, нисбий мустақиллик, ўз олдига мақсад қўя олишлик, хулқ-атвори ижтимоий жамоатчилик нуқтаи назаридан баҳолашга интилишлик, аҳд-паймонга содиқлик, катталарни хурмат қилишлик, ваъдага вафо қилишлик, бурч ва жавобгарлик ҳислари кабилар. Шунинг билан бирга мактаб таълимига тайёргврлик кўраётган бола ўз ҳис туқғуси ва ички кечинмаларини бошқариш укувиға эгадир, ҳатто у ўз-ўзига, ўз қилмишлари, ножўя хатти-харакатлари, ихтиёрсиз муносабатларини билдиради.

Болани ҳар томонлама психологик тёшириб, кейин у билан олиб бориладиган тузатиш ишларини курсатиши мумкин. Мактабларда " Мослашиш " синфларнинг очилиши бу муаммони ҳал қилишга оз булсада имкон беради. Психолог тузатиш методларини режалаштираётганда болани мактабга мослашишга ижобий таъсир этадиган факторларни яъни укувчини узини тугри баҳолаши оилада тугри тарбияланиши оиладаги келишмовчиликларнинг бартараф этилиши , тенгдошлар орасида болани хурмат қозониши ҳисобга олиш лозим. Мактаб психологининг узлаштира олмовчи бошланғич синф укувчилари билан олиб борадиган ишлари. Унинг фаолиятидаги амалий йуналиши ташкил этилади. Психолог бундай укувчитлар билан олиб борадиган ишининг асосий йуналишлари ҳақида гапиришдан олдин узлаштира олмаслик сабабларини куриб чикамиз. Мактабгача еш даврдан мактаб ёши даврига утиш анча кийин кечадиган даврдир. Етти ешдаги кийинчилик бу шундай кескин бурулиш ёшини унда мактаб ёшининг барча даврлари уз ифодасини топади. Одатда мактабда бориш билан боглик булган кийинчиликлар ва муаммолар куйидагилардан иборат:

Янги укув тартиби билан боглик булган кийинчиликлар.

1.Бундай кийинчилик купрок мактабгача тарбия муассасаларига бормаган болалар учун хосдир.

2.Боланинг синф жамоасига мослашувдаги кийинчилик.

Бу ҳолат болалар жамоаларига етарли даражада иштирок этмаганларида купрок учрайди.

3. Укутувчи билан укувчи муносабатларида юзага келадиған кийинчиликлар.

4. Боланинг оилавий шароити узгариши билан боглик булган кийинчиликлар.

Бу кийинчиликлар бола ривожланишнинг янги ижтимоий шароитларида аста - секин уз ифодасини топади. Психологлар мактабдан психоген бузилиши болалар синфда укушдаги кийинчиликларнинг асосий хусусиятларидан бири деб курсатадилар.

(Рухий омиллар) таъсири остида келиб чикадиған касаллик психоген касаллигидир. Мазкур касаллик боланинг мактабда , оилада объектив ва субъектив мавкеининг

бузилишида таълим тарбия жараенининг кийинлашуви ҳамда унинг шахсда психогеннинг таркиб топишида намоен булади. Таълимдаги кийинчиликларнинг алохида олинган сабабларидан келиб чикиб уларни тахлил килиш " Уддаланилмаётган" материалларни масалан, езув еки укишни бош асос килиб олиш кейин эса уларни келтириб чиқарётган омилларни куриб чиқиш мумкин. Асосий мураккаблик шундаки, бир хил кийинчиликнинг сабаби турли ибораларда турлича булиши мумкин. Болага ендашишнинг энг максадга мувофиқ йули бу таълимнинг турли боскичларда руй берувчи кийинчиликларда боланинг функционал ҳолатини ва ривожланишнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборатдир. Уқитувчи болаларда учрайдиган ҳар қандай кийинчиликни унинг узлаштириши билан боғлайди. Бунда болани баҳолаш одатдагидек узига ҳос шаклда булади, аълочи демак, яхши уқувчи, олса ёмон уқувчи. Мазкур шаклда ҳос чоралар курилган. Масалан, мактабда ёмон узлаштирган уқувчининг ота - онаси чакиртирилади, газабланган уқитувчи уларга уз фарзандларига ёмон қарайганликларини, ёмон тарбия бераётганликларини улар билан кам шугулланаётганликларини айтиб нолийди. Яна ҳам ачинарлиси уқитувчи синф олдида юкори овоз билан болани суқади ва камситади. Қупчилик ҳатони энг тажрибали уқитувчилар ҳам узлаштирамаслиги сабабини уқувчининг дангасалиги, ношудлиги, тарбиясизлиги билан баҳолашга уринадилар. Уқитувчи узлаштирамасликнинг хақиқий сабаблари тугрисида камдан кам уйлайди ва табиийки, уни бартараф қилишнинг узига ҳос чора тадбирларини излайди. Шунинг учун қуйида мактаб психологининг бошлангич синф уқувчилари билан амалга ошириш мумкин булган психологик тузатиш ишларининг айрим жиҳатларини куриб чиқамиз. Мисол тариқасида Е.Л.Яковлеванинг томонидан таклиф этилган тузатиш дастурини ҳавола қиламиз. Езилган сузларни тахлил қилиш, улардаги харфларни куриш учун болаларга диққат қилиш уйинлари таклиф қилинади. Бу уйин асосида сиёнаш, тузатиш тести етади. Бунинг учун катта шрифти харфларида босилган эски эртақ китоблари олинади. Болаларга 5 мин давомида учраган а харфини қизиш таклиф этилади. Бунда бола 4 ва ундан ортиқ а харфини қолдирса ютказадилар, агар кам қолдирса ютадилар деган шарт қуйилади. Ютганлар рағбатлантирилади. Уйин ҳар қуни уйнаган маъқул, ютуқлар натижаси эса, бир ҳафтада бир марта эълон қилинади ва голиб тақдирланади. Тўпширқни бир-бирига қушни болаларнинг узлари текширадилар. Чунки бу ешдаги болалар уз ишларидан қура узгалар ишига жуда қизиқадилар. Шунга қура улар сезмай қолдирган ҳатоларга қура уларнинг бир неча минут давомида диққат эътиборларини туплаган ҳолатлари жуда аҳамиятлидир. Нажалар тахлили шуни қурсатадики, -4 ҳафтадан сунг уқитувчининг " Диққат -эътиборли бул" деган шиори болаларда диққатнинг тупланишига хизмат қилади. Уйин билан бир вақтда болада она тили дарслигидан қуқиш

курсатмаси берилади. Бу усул билан суз кандай езилади ва кандай укилиши хакида киесий тушунчага эга булади. Хаммамиз биламизки, ижодий фикрлаш кобилиятини ривожлантирувчи, диккатни ривожланишига доир машгулотлар булиб улар укувчиларнинг узига хос хусусиятларини яъни уларни диккат-эътиборли булишга, билимларни мустахкамлашга ва барча топширикларни бажаришга ургатади. У машгулотлар куйидагилар. "Айланалар", " Квадратлар" , "Учбурчаклар" аник лекин кутилмаган уйини , сабаблар тизимини тузиш", " Муаммони излашда зийраклик ва хоказолар". Масалан, **айланалар машгулоти**. Машгулот максади : укувчиларда ижодий тафаккурнинг тезлиги, ўзгарувчанлиги ва узига хослигини шакллантиришдир. Машгулот учун зарур материал ок когоз, калам укувчиларга куйиладиган талаб яъни бериладиган топширик куйидагича: куйнингиздаги когознинг кисмига исми - шарифингиз синфингизни езинг. Сизнинг вазифангиз когозга айланалар чизиб уларнинг чига иложи борича купрок расмлар чизишдан иборат. Бунда чизган расмингизнинг тагига номини езиб куйинг. Укувчилар топширик билан таништирилгандан сунг, машгулотни олиб борувчи доскада бир иккита айланани чизиб уларни ичига расм чизади ва тагида номини езиб курсатадилар. Масалан: олма, соат, машина. Сунгра болалар топширикни бажаришга киришадилар ва олинган натижалар кайта ишланади.

Биринчи марта мактабда кадам куядиган биринчи синф укувчиларинг мактабга борганда мактаб талабларига шароитларига мослашиш учун маълум вақт керак булади. Амалда мослашиш вақти хамма болаларда хам бир хилда самарали утмаслиги мумкин. Боланинг мактабда мослашишдаги кийинчиликлар факат ота - оналар арзлардигина эмас, балки укутувчиларнинг укувчиларга бераётган тавсифномаларида хам кайд этилмокда. Масалан, ота – оналар боланинг мактабга бориши, уй вазифасини бажаришни хохламаётганини, унинг туткич бермаслиги, жуда асабий булиб колганини айтишса, укутувчилар бу болаларнинг дарсда диккатсизлигида тартибсизлигида, тингдошлари билан тез-тез айтишиб колишларига эътибор беришмокда. Бундай болаларда асабий рухий бузилиш, психик ривожланишда оркада колиш вужудга келади. Болалар мактабда укишга канчалик тайёр булмасалар, мактабда мослашиш даври шунчалик кийин ва узок утади. Психологлар боланинг мактабда укишга тайёр деганларида унинг жисмоний, психологик ва шахсий тайёргарлигини назарда тутадилар. Укишнинг дастлабки ойларида мактаб психологининг биринчи синф укувчилари билан, олиб борадиган асосий ишлари куйидагилардан иборат:

- а) мактабга мослашишга кийналаётган болаларни аниклаш;
- б) бу болаларда психологик ёрдам курсатиш.

Бу вазифани бажариш учун болани мактабга мослашишдаги кийинчилик курсаткичларини аниқлаш лозим. Курсаткичлар куйидагича булиши мумкин;

1) Укув материални узлаштиришда

2) Укитувчи талабларини бажаришда кийналиш, укув вазифаларини бажаришда, ихтиерийлик хусусиятлари, харакат активлигининг узгариши, боланинг эммоционал хусусиятлари, укишга, мактаб хаетиға кизикишлари, укитувчи ва тенгдошлари билан мулоқотга киришишларидаги кийинчиликларидир. Болани хар томонлама психологик текшириб, кейин у билан олиб бориладиган тузатиш ишларини курсатиши мумкин. Мактабларда " Мослашиш " синфларнинг очилиши бу муаммони хал килишга оз булсада имкон беради. Психолог тузатиш методларини режалаштираётганда болани мактабга мослашишга ижобий таъсир этадиган факторларни яъни укувчини узини тугри баҳолаши, оилада тугри тарбияланиши оиладаги келишмовчиликларнинг бартараф этилиши, тенгдошлар орасида болани хурмат қозониши ҳисобга олиш лозим. Мактаб психологининг узлаштира оловчи бошлангич синф укувчилари билан олиб борадиган ишлари, унинг фаолиятидаги амалий йуналиши ташкил этилади. Психолог бундай укувчилар билан олиб борадиган ишининг асосий йуналишлари хақида гапиришдан олдин, узлаштира олмаслик сабабларини куриб чиқамиз. Мактабгача еш даврдан мактаб ёши даврига утиш анча кийин кечадиган даврдир. Етти ешдаги кийинчилик бу шундай кескин бурулиш ёшики, унда мактаб ёшининг барча даврлари уз ифодасини топади. Одатда мактабда бориш билан боғлиқ булган кийинчиликлар ва муаммолар куйидагилардан иборат.

1. Янги укув тартиби билан боғлиқ булган кийинчиликлар. Бундай кийинчилик купрок мактабгача тарбия муассасаларига бормаган болалар учун хосдир.

2. Боланинг синф жамоасига мослашувдаги кийинчилик.

Бу ҳолат болалар жамоаларига етарли даражада иштирок этмаганларда купрок учрайди.

3. Укитувчи билан укувчи муносабатларида юзага келадиган кийинчиликлар.

4. Боланинг оилавий шароити узгариши билан боғлиқ булган кийинчиликлар.

Бу кийинчиликлар бола ривожланишининг янги ижтимоий шароитларида аста - секин уз ифодасини топади.

Таълимдаги кийинчиликларнинг алоҳида олинган сабабларидан келиб чиқиб уларни таҳлил килиш "Ўзлаштира олмаган" материалларни масалан, езув еки укишни бош асос килиб олиш, кейин эса уларни келтириб чиқараетган омилларни куриб чиқиш мумкин. Асосий мураккаблик шундаки, бир хил кийинчиликнинг сабаби турли ибораларда турлича булиши мумкин. Болага ёндашишининг энг мақсадга мувофиқ йули бу

таълимнинг турли боскичларда руй берувчи кийинчиликларда боланинг функционал ҳолатини ва ривожланишининг шахсий хусусиятларини ҳисобга олишдан иборатдир. Уқитувчи болаларда учрайдиган ҳар қандай кийинчиликни унинг узлаштириши билан боғлайди. Бунда болани баҳолаш одатдагидек узига хос шаклда бўлади, аълочи демак, яхши укувчи, 2 олга ёмон укувчи. Мазкур шаклда хос чоралар қўрилган. Масалан, мактабда ёмон узлаштирган укувчининг ота - онаси чақиртирилади, газабланган уқитувчи уларга уз фарзандларига ёмон қараётганликларини, ёмон тарбия бераётганликларини улар билан кам шугулланаётганликларини айтиб қолади. Яна ҳам ачинарлиси уқитувчи синф олдида юқори овоз билан болани суқади ва қамситади. Қўпчилик, энг тажрибали уқитувчилар ҳам ҳатони, узлаштирмаслик сабабини укувчининг дангасалиги, ношудлиги, тарбиясизлиги билан баҳолашга уринадилар. Уқитувчи узлаштирмасликнинг ҳақиқий сабаблари тугрисида қамдан қам уйлайди ва табиийки, уни бартараф қилишнинг узига хос чора тадбирларини излайди. Шунинг учун қуйида мактаб психологининг бошланғич синф укувчилари билан амалга ошириш мумкин бўлган психологик тузатиш ишларининг айрим жиҳатларини қўриб чиқамиз. Мисол тариқасида Е.Л.Яковлева томонидан таклиф этилган тузатиш дастурини ҳавола қиламиз. Ёзилган сузларни таҳлил қилиш, улардаги ҳарфларни қўриш учун болаларга диққат қилиш уйинлари таклиф қилинади. Бу уйин асосида синаш, тузатиш тести ётади. Бунинг учун қатта шрифт ҳарфларида босилган эски эртақ китоблари олинади. Болаларга 5 мин давомида учраган а ҳарфини қизиш таклиф этилади. Бунда бола 4 ва ундан ортиқ а ҳарфини қолдирса ютказадилар, агар қам қолдирса ютадилар деган шарт қўйилади. Ютганлар рағбатлантирилади. Уйинни ҳар қунга уйнаган маъқул, ютуқлар натижаси эса, бир ҳафтада бир марта эълон қилинади ва қолиб тақдирланади. Топширикни бир-бирига қўшни болаларнинг узлари текширадилар. Чунки бу ёшдаги болалар уз ишларидан қўра узгалар ишига жуда қизиқадилар. Шунга қўра улар сезмай қолдирган ҳатоларга қўра уларнинг бир неча минут давомида диққат эътиборларини тўплаган ҳолатлари жуда аҳамиятлидир. Натижалар таҳлили шунга қўрсатадики, 3-4 ҳафтадан сўнг уқитувчининг " Диққат -эътиборли бўл" деган шиори болаларда диққатнинг тўпланишига хизмат қилади. Уйин билан бир вақтда болада она тили дарслигидан ўқиш қўрсатмаси берилади. Бу усул билан суз қандай ёзилади ва қандай ўқилиши ҳақида қиёсий тушунчага эга бўлади. Ҳаммамиз биламизки, ижодий фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи, диққатни ривожланишига доир машғулотлар бўлиб, улар укувчиларнинг узига хос хусусиятларини, яъни уларни диққат-эътиборли бўлишга, билимларни мустаҳкамлашга ва барча топширикларни бажаришга ургатади.

2.3. Ижтимоий психологик омилларнинг кичик мактаб ёши ўқувчилари шахси шаклланишига таъсири.

Маълумки шахс шаклланиши муаммоси барча даврларда психология фанида турлича баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келган. XX аср бўсағасида психология фани ва унинг илғор вакиллари ўзларининг навбатдаги жаҳоншумул илмий мақсадлари - инсонга, айти пайтда, жамиятга психологик хизмат кўрсатиш тизимининг муқаррарлигини назарий-илмий жиҳатдан асослаб беришга муваффақ бўлдилар.

Умуман, психологик хизмат кўрсатиш муаммоси маълум маънода, илмий психологиянинг етакчи йўналишларидан бири сифатида кўп бор мунозаралар манбаи бўлган. Бу ҳақда қадимги ва дастлабки психологик тасаввурлар макони бўлмиш хиндистон, Хитой, Мирс, Вавилон, Ўрта Осиё, Грециядан, шунингдек, жон (руҳ) ҳақидаги I- китобнинг муаллифи Аристотелдан ва темперамент (мижоз) таълимотининг асосчилари Галень, Гиппократ ва Ибн Синолардан тортиб, то ҳозирга қадар психологлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Тарих ва ижтимоий ҳаёт тамойиллари шуни кўрсатмоқдаки, жамиятнинг ҳар томонлама ривожланиши ва унда йуксак даражадаги ҳаёт, турмуш тарзининг қарор топтирилиши, аввало ҳар бир фаолият кўрсатувчи шахсдаги ўзига хос психологик салоҳиятнинг не чоғлик тўла-тўқис намоён этилаётганлиги билан белгиланади. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг порлоқ келажagini одамлардаги ижодий, интеллектуал ва маънавий тараққиёт йўлига хизмат қилувчи давлат механизмисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шу босдан бўлса керак, ҳозирги кунда барча ривожланган ва ривожланиш йўлидан бораётган мамлакатлар биринчи галда ўз фуқароларининг маънавий ва интеллектуал, жисмоний ва руҳий баркамоллигига ва ундан ижтимоий манфаатлар учун самарали фойдаланиш йўллари излашга жиддий эътиборни қаратмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир мамлакатда инсон ва унинг фаолияти ўртасидаги уйғунликни таъминлашга қаратилган ижтимоий-психологик хизмат тизимининг жорий этилиши алоҳида аҳамият касб этади. Қолаверса, Президент И.А.Каримовнинг "Маънавият ва маърифат жамоатчилиги Маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги фармойиши орқали қатъий таъкидланганидек, бугунги кунда "одамларнинг ўзликларини чуқур англашини, мустақилликнинг қадрини тобора теран тушунишни, миллий тафаккурнинг кенгайиши ва такомиллашувини, тарихий ҳурлик, мустақиллик руҳининг уйғонишини таъминлаш маънавият соҳасидаги сиёсатимизнинг асосий мақсадига айланиши лозим.

Президентимиз ўзининг Ўзбекистоннинг бугунги истиқлол ва истиқбол йўлини ифодаловчи бошқа қатор маърузалари ва асарларида ҳам иқтисодиёт билан маънавият, инсон руҳиятининг баркамоллиги, ҳаётнинг ўзаро ажралмас, бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро таъсир ва акс таъсир этадиган муҳим омиллари эканлигини ва айни пайтда бугунги иқтисодий ўнгланиш, иқтисодий тикланиш, иқтисодий ривожланишни, маънавий ўнгланиш, маънавий покланиш, маънавий йуксалиш ҳаракатлари билан тамомила уйғун бўлишини таъминлашнинг муқаррар ижтимоий зарурат эканлигини қайта-қайта таъкидлайди. Шунингдек, Президент И.А.Каримовнинг Республика Олий Мажлиси IX сессиясидаги "Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори" мавзусидаги сўзлаган нуткидан келиб чиққан ҳолда қабул қилинган "Таълим тўғрисидаги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур (1997 йил 29 август) нинг амалда қўлланилиши бугунги шахс фаолиятдан, унинг ижтимоий тараққиётига хизмат қилувчи омилларидан янада унумлироқ фойдаланиш йўллари излашга даъват этади. Бу эса, аввало инсон маънавияти, руҳияти ва ижтимоий камолоти билан шуғулланувчи психологлар олдига бир мунча жиддий ва масъулиятли вазифаларни қўяди. Бу вазифаларнинг бажарилиши эса ҳар бир шахс ва унинг фаолиятини бугунги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тамойиллари қўйган талаблар асосида қарор топтиришга кўмаклашувчи психологик хизмат жараёнининг муваффақиятли татбиқ этилишига ҳам боғлиқ эканлиги шубҳасиздир. Зеро, шахс ва унинг фаолиятини ҳар томонлама ривожлантириш муаммосига психологиянинг амалий-татбиқий йўналишлари асосида ёндашиш зарурлиги ҳақида кўпгина олимлар ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар ва билдириб келмоқдалар.

Таълимнинг бошланиши билан бола психикасида кескин ўзгаришлар рўй беради. У психик томондан қайта қурилишига дуч келади. Психологик қайта қурилиш бошланғич синф ўқувчиларида айниқса, I–синф ўқувчиларида қийинчиликларни пайдо қилади.

Бу қийинчиликлар:

1. Биринчи синф ўқувчилари кўп ҳаракатларни интизом қоидалари талаб қилган даражада чакқонлик билан, сифатли қилиб бажара олмайдилар. Лекин ўқиш фаолияти доимий равишда интизом қоидаларига риоя қилишни, 35-45 минутлик дарсларда сабр-тоқат билан ўтиришни, ўзини–ўзи тута билишни талаб қилади.
2. Таълимнинг бутун мазмуни боладан ихтиёрий жараёнларини: ихтиёрий диққат, ихтиёрий идрок, хотирани ривожланган бўлишини тақозо қилади. Лекин болада ҳали бундай жараён етарли ривожланган бўлмайди.

3.Ўқувчи мустақил фикр юритиши, вазифаларни мустақил бажариши лозим. Бу хусусият ҳамма болаларда ҳам бирдек ривожланмайди.

4.Бола ўз бурчини англаган бўлиши, яхши ўқиши ва яхши интизомга эга бўлиши, интизом қоидаларига риоя қилишни, уйга берилган вазифаларни бажариши унинг бурчи эканлиги ҳис қилиши керак.

5. Диққат эътиборни ўқитувчи айтганларига қаратиш уни идрок қилиб эсда олиб қолиш ва керак вақтда уларни бошқара олиш қобилиятига эга бўлмоғи талаб қилинади. Бундай талабларга жавоб қайтариш сўзсиз ўқувчига қийиндир. Бундай қийинчиликларни мустақил равишда енга билиши аста – секин ва мунтазам ўқиш жараёнида материални осондан қийинга, оддийдан-мураккабга қараб тушунтириш, болаларни ўқиш фаолиятига қизиқтириш, дарсларни қизиқарли эмоционал ва образли баён қилиш орқали бартараф қилинади.

Кичик мактаб ёшида таълим жараёнини тизимли ташкил қилиш, болада беғамлик даврининг туганланганлигидан далолат беради ва ўқишга бўлган муносабатлар тобора ўзгариб боради. Бу даврда боланинг қизиқишлари ўйин фаолиятидан ўқув фаолиятига аста-секин кўчиб ўтади. Ўқишга хос қизиқишлар кўпинча болаларнинг ўйин фаолиятига таъсир этади, ўқишга хос қизиқишлар кўпинча ўйинлар характери ва мазмунига таъсир қилади. Ҳар қандай ишининг муваффақияти кўп жиҳатдан мотивларга боғлиқ бўлиб, одам ана шу мотивлар ёрдамида иш билан шуғулланади. Ўқиш мотивлари ҳар хил бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар ўзларини бўлажак меҳнат фаолиятига тайёрлашларида мотивларга камроқ амал қиладилар. Бола ҳали мотив ҳақида ўйлаб кўришдан анча узокда. Кичик мактаб ёшидаги бола ўз билим доирасини кенгайтириш, фойдали билимлар олиш, шунингдек, жамият олдидаги ўз бурчини бажариш ҳақида ҳам унча бош қотирмайди. Барча мана шу мотивлар унда иккинчи даражали нарсага айланади. Аммо, юқорида айтиб ўтганидек, унинг ўзи нима қилаётган ва мактабда билиб олаётган нарсага бевосита қизиқиши, шунингдек, ўқитувчи, ота–оналар талабларини бажаришга интилиши, мақтов эшитиши, қилган ишининг маъқул топилиши, яхши баҳолар олиши ва ҳақозолар ўқишга нисбатан қизиқиш уйғотишнинг энг муҳим воситаларига айланиб қолади.

Боланинг мактабга кириши билан бутун ҳаёт тартиби, ижтимоий ҳолати, жамоадаги, оиладаги аҳволи кескин ўзгариб кетади. Мактабга кирган даврдан бошлаб унинг асосий фаолияти ўқиш бўлиб қолади. Муҳим ижтимоий вазифа – ўқиш билим орттириш вазифасидан иборат бўлиб қолади.

Боланинг мактаб ўқувчиси бўлиши унинг ҳаётида “бурилиш”ни юзага келтиради. Унинг асосий фаолияти, биринчи ва энг муҳим вазифаси ўқиш, яъни янги билимларни,

кўникма ва малакаларни ортиришдан, табиат ҳамда жамият ҳақида системали маълумотлар тўплашдан иборат бўлиб қолади. Ўз – ўзидан маълумки, кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ўқишга нисбатан юксак жавобгарлик муносабати бирданига таркиб топиб қолмайди. Бунда анчагина индивидуал фарқлар кузатилса ҳам ўқишга бўлган муносабатлар ва мотивларининг ривожланиш динамикаси одатда қонуний характерга эга бўлади. Етти ёшли болалар таълимнинг бошланғич даврида мактаб машғулотларининг яқин келажакдаги истиқболларини ижобий идрок қиладилар. Болаларда ҳатто характерли хусусиятларни жихатлардан фарқ қиладиган ўзига ҳос эҳтиёж ҳам пайдо бўлади. Бу аслида ҳали ўқишга билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштиришга бўлган эҳтиёж эмас, бирон янги нарсани, теварак- атрофдаги воқелик ходисаларни билишга бўлган эҳтиёждир. Бу эҳтиёж ўзининг кичкина болалик ҳолатини ўзгартириш, мустақилликнинг навбатдаги босқичига кўтарилиши, оилани катта ва иш билан банд аъзоси бўлиши истагидир. Бунда ўқишнинг ташқи белгилари янги форма кийиш ҳошиши, ўз шахсий папкасига эга бўлиш, машғулотлар учун ўз жойига эга бўлиш, китобларини кўйиш учун жавончага эга бўлиш худди отаси ёки онаси ишга борганларидек ҳар куни мактабга бориш ҳошиши катта аҳамиятга эга. Шу билан кичкина болалар кўзи олдида юксакликка кўтарилишдек ёқимли истиқбол уларни мафтун этади. Мактабга бўлган бундай муносабатнинг мустақамланишига иккинчи сентябрдаги тантанали байрам шароити мактаб ўқувчиси деган ном бериш аънанаси ҳам анчагина ёрдам беради.

Бола ҳали мактабга бормасдан олдинок, яъни оиладан ва боғчада ижтимоий ҳаётимизнинг турли соҳалари билан, айниқса мактаб ҳаёти, уларнинг хилма-хил фаолиятлари билан танишади ва унда юксак ижтимоий қизиқиш-ҳавас куртаклари пайдо бўла бошлайди.

Бола мактаб ёшига кириб мактаб боришга, ўқувчи бўлишга ғоят даражада қизиқади. Бу унинг гап-сўзларидан ва қилаётган ҳаракатларидан ҳам кўриниб туради. Шу кезлари бола мактаб ва мактабда ўқиш учун керак бўладиган нарсалар тўғрисида кўпроқ гапирди. Сумка, “Алифбе”, қалам, дафтар ва санок чўпларини тезроқ тайёрлаб кўйиш устида кўпроқ бош қотиради. Шу билан бирга у ўзининг тўплаган ўқув куролларини ниҳоятда авайлаб сумкасига солиб, қайта-қайта сумкасидан олиб кўриб, буларни мактабга кўтариб боришга ошиқади ва бунга жуда ҳам ҳавас қилади. Бироқ ўқишга бўлган дастлабки бундай ҳавас унинг табиатга ҳос бўлган “Бу нима?” тарзидаги текшириш рефлекси асосида юзага келадиган фаолиятдан иборат бўлса ҳам, лекин уларда кўрина бошлаган бундай қизиқиш-ҳавас таълим-тарбия жараёнида такомиллаша боради. Ўқиш бўлса - боладан маълум уюшқоқликни, интизомлиликни, анчагина иродавий зўр беришликни талаб қиладиган жиддий меҳнатдир.

Мактаб таълимининг биринчи кунидан бошлаб кичик мактабгача ёшдаги боланинг ривожланишини ҳаракатга келтирувчи куч бўлган асосий қарама – қаршилик юзага келади. Бу қарама – қаршилик бола шахсига, унинг диққати, хотираси, тафаккурига нисбатан ўқув ишлари, ўқитувчилар ҳамда жамоа томонидан қўйилаётган ва доимо орттириб бораётган талаблар билан ўқувчининг мавжуд психик ривожланиш даражаси ўртасидаги қарама-қаршиликдир. Талаблар ҳамма вақт ўсиб бораверади ва боланинг мавжуд психик ривожланиш даражаси ана шу ўсиб бораётган талабларга тенглашишга тўхтовсиз равишда интилаверади. Тўғри ташкил этилган таълимда бу турдаги болалар ўрта мактаб дастурида кўрсатилган билимларга нисбатан кўпроқ билимларни тушунишлари ва ўзлаштиришлари мумкин. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири шундаки, шу даврдан бошлаб, ўқув материални ўзлаштирмасликнинг дастлабки белгилари кўзга ташланади. Ўзлаштирмасликнинг асосий сабаблари: бу ақлий таракқиёт ва ўқувчанликнинг бир мунча орқада қолишидир. Н.С.Лейтес мулоҳазаларига кўра инсон ёши улғайган сари ақлий ривожланиш даражаси бир мунча кўтарилади, уқувчанлик эса бир мунча пасаяди. Кичик мактабгача ёшдаги болаларнинг уқувчанлиги албатта ўсмир ва ўспиринларга нисбатан юқори, лекин ўсмир ва ўспиринларнинг ақлий ривожланганлиги бошланғич синф ўқувчиларига нисбатан юқоридир.

Орадан маълум вақт ўтгач шодиёна лаҳзаларининг таъсироти камайиши билан мактабнинг ташқи белгилари ўз аҳамиятини йўқота боради ва ўқишнинг кундалик ақлий меҳнат, иродавий зўр бериш, ёқтирмаган нарса билан шуғулланиш, диққатни тақсимлаш, ўз хулқини идора қилиш эканлигини англайди. Шундай ақлий меҳнат кўникмасига эга бўлмаса, унинг ўқишдан кўнгли совийди, унда умидсизлик ҳисси вужудга келади. Ўқитувчи эса бундай ҳолнинг олдини олиш учун болага таълимнинг ўйиндан фарқи, қизиқарлилиги ҳақида маълумотлар бериши ва уни шу фаолиятга тайёрлаши керак. Биринчи синф ўқувчисига ўқиш фаолиятининг айнан ўзига қизиқиш кўзга ташланади. Психолог олимлар ўтказган махсус тадқиқотларда болалар билан кераксиз машқлар ўтказилган ва уларга олдиндан бу машқлар кейинчалик керак бўлмаслиги айтилган, лекин болалар уларни бажаришга киришганлар. Ўқувчи шахсий фаолиятида эришган дастлабки яхши натижа уни бошқа натижаларни эгаллашга ундайди. Унинг ўқиш фаолиятидаги биринчи меҳнат махсули шодлик ва қувонч ҳис-туйғусини келтириб чиқаради.

Масалан: айрим ўқувчилар у ёки бу матнни бир неча мартта ўқишга ҳаракат қилади. Ўқиш фаолиятига қизиқиш, унинг мазмунига ҳам қизиқишини вужудга келтиради, билим олиш эҳтиёжини туғдиради ва ўқиш мотивларини таркиб топтиради.

Шахс шаклланишида кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш ва унда ўқишг ижобий муносабатни шаклланишида муҳим аҳамиятга эгадир. 7 яшар бўлган болалардаги мактабга, ўқишга бўлган бу хилдаги дастлабки қизиқиш – ҳаваслар, асосан улардаги ихтиёрсиз диққат процессида рўй берадиган бевосита қизиқиш – ҳаваслардир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда кейинроқ бориб ўз диққат –эътиборини муайян бир нарсага, воқелик ва ҳаётнинг маълум бир соҳасига, маълум бир фаолиятга бирмунча узоқ вақт ва барқарор қаратилишида ифодаланадиган бавосита қизиқишлар секин- аста юзага кела бошлайди.

Дарс жараёнида ва дарсдан ташқи машғулотларда ўқувчилар теварак – атрофдаги нарса ва ҳодисаларни кенгроқ тушуниб борадилар. Ҳар хил нарсаларга қизиқа бошлайдилар, уларнинг қизиқишлари борган сари такомиллашиб, барқарор тус ола боради. Энди мактаб ўқувчиларини теварак – атрофдаги айрим ҳодисаларгина эмас, балки ўша ҳодисаларнинг содир бўлиш сабаблари ҳам кўпроқ қизиқтира бошлайди. Шунинг учун ҳам бу даврда бола томонидан бериладиган ҳар хил “Нега бундай?”, “Нимадан қилинган?”, “Бу нима учун керак?” сингари сўроқлар янада кўпайиб кетади.

Болада таълим-тарбия жараёнида кўпроқ нарсаларни билиб олишга, юқорироқ баҳоларга эришишга муайян даражада эҳтиёж ва зарурат пайдо қилиш керак. Шундагина у ўзидаги будай талабни қондиришга ҳаракат қилади ва актив фаолият кўрсатади. Дарс материалларини билиб олишга, ўқитувчининг топшириқларини яхшилаб бажаришга интилади. Бунинг учун эса болани муайян кун тартибига одатлантириш ва доимо дарс тайёрлашга ўргатиш лозим. Шундагина у ўқишда муайян даража муваффақиятларга эриша оладиган бўлади ва унда ўқишга ҳавас уйғонади.

Ўқишнинг дастлабки кунларида болалар синфдаги дарс машғулотларига жуда ҳам қизиқадилар. Уларни кўпроқ расм чизиш, ёзиш, доскага чиқиш, қўл кўтариб ўқитувчи саволларига жавоб бериш сингари ишлар қизиқтиради. Кейинроқ бориб улар фақат дарсдаги машғулот жараёнининг ўзигагина эмас, балки машғулотларнинг мазмунига ҳам қизиқа бошлайдилар. Шу кезлари бола ўзининг синф ва уйда бажариб келган ишларини, ёзма нарсаларни ўқитувчига тезроқ кўрсатишга ошиқади. Ўқитувчининг ўқувчи бажарган вазифани оғзаки мақуллаши ҳам уни ғоятда қувонтиради.

Болаларнинг бу хусусиятларини яхши билган моҳир ўқитувчилар эътиборини кўпроқ ёзишга ва берилган топшириқларни тезроқ бажариш лозим эканлигигагина эмас, балки топшириқларни сифатли қилиб бажариш, тўғри ва чиройли қилиб ёзиш кераклигига ҳам жалаб этадилар ҳамда топшириқларни яхшилаб бажарган, тўғри ва чиройли ёзган ўқувчиларни ўз вақтида рағбатлантириб борадилар. Натажада ўқувчилар секин-аста дарс машғулотларининг мазмунига қизиқадиган ва уларни сифатли қилиб бажаришга ҳаракат

қиладиган бўлиб қоладилар. Ўқувчилар ўқитувчиларнинг “яхши ёзибсан”, “тўғри бажарибсан”, “баракалла” сингари оғзаки маъқуллашигагина эмас, балки унинг ўзларининг дафтарларга кўйиб берадиган баҳоларига ҳам қизиқа бошлайдилар. Бу ёшдаги болаларда ўқишга қизиқишнинг ортиб боришида уларнинг ўз билим ва тушунчаларнинг такомиллашиб бораётганлигини сезиб боришлар, ўз имкониятларининг ўсиб бораётганлигини тушунишлари катта аҳамиятга эгадир.

Маълумки, мактабларда болаларни оғзаки баҳолаш одат тусига кириб қолган, чунки биринчи синф ўқувчиси ана шу баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ҳатто, ўқувчи дастлабки пайтларда “яхши” ёки “ёмон” баҳонинг фарқига ҳам бормайди, уни кўпроқ нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим аҳамиятга эга.

Кўпчилик мутахассис олимлар кичик мактаб ёшдаги ўқувчиларни баҳолаш салбий оқибатларга олиб келади деб ҳисоблайдилар. Маълумки, фақат баҳо учун ўқиш билимнинг ижобий аҳамиятини пасайтириши мумкин. шунга кўра билимни текширишнинг бошқа усулларини топиш ҳамда қўллаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Ўқувчиларнинг олган баҳоларига катталарнинг муносабати ҳам уларнинг ўқишга қизиқишларига муайян даражада таъсир кўрсатади. Чунончи, ўқувчининг олган баҳоларига ўқитувчи ва ота-оналарнинг бепарволик билан қарашлари ундаги ўқишга бўлган қизиқишнинг пасайишига сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам ўқитувчилар ва ота-оналарни болаларнинг оладиган баҳоларига алоҳида эътибор беришлари, улар олган юқори баҳоларини маъқуллаб туришлари ва ҳаракат қилинса, ҳамма фанлардан ҳам юқори баҳо олиш мумкинлигини айтиб, уларни рағбатлантириб туришлари жуда муҳимдир.

Кичик ёшдаги ўқувчиларда юқорида кўрсатиб ўтилган хилма – хил қизиқишлар билан бирга индивидуал қизиқишлар ҳам туғила бошлайди. Баъзи ўқувчилар рассомлик ишларига кўпроқ қизиқсалар, бошқалари мусикага ёки шеърятга муҳаббат кўядилар. Шунингдек, айрим ўқувчилар математика ёки техникага қизиқсалар, баъзилари она тили ёки тиббиётни яхши кўрадилар. Булардан ташқари, айрим ўқувчиларда ҳар – хил касбларга бўлган индивидуал қизиқишлар ҳам кўрина бошлайди. Лекин бу ёшдаги ўқувчиларнинг орзу – ҳаваслари ҳали тез – тез ўзгариб турадиган бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, баъзи ўқувчилардаги айрим нарсаларга бўлган қизиқиш умрбод сақланиб қолмоғи ҳам мумкин. Муайян ва доимий қизиқиш – ҳаваслар ўқувчиларда асосан айрим ўсмирлик даврида таркиб топиб бораётган идеаллар билан боғлиқ равишда вужудга келади ва ўсади.

Ёш авлод ижтимоий турмушнинг барча сохалари, хусусиятлари Билан оила кучогида танишади. Оилавий турмушда одамларга, меҳнатга, нарсаларга ва уз-узига булган нисбатан муносабатларни ифодаловчи характер хусусиятлари таркиб топа боради. Шунинг учун оила жамиятнинг бошлангич бугини сифатида болаларнинг ахлоки, қобилияти, ақл заковати, хулки, юриш-туриши, хатти харакати, мулокоти, эътиқоди ва дунёкарашларига юкори даражада тарбиявий таъсир курсатиш имкониятига эга. Оилавий турмуш инсон ҳаётининг энг мухим жихатларидан бири ҳисобланади. Худи шу боисдан жамиятнинг конун қоидаларига нисбатан муносабат ҳам оиладаги шахслараро турли туман муаммолаларда, мулокотда, фикр алмашувда, мунозанааларда уз ифодасини топади, бинобарни ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш оиланинг ноқадар мустаҳкам булишига, ота-она муносабатларида олий жаноб характер ҳислатларини, болада юксак маънавий ҳисларни шакллантиришга боғлиқдир. Ёш авлодни оилада қамил инсон қилиб тарбиялашдек юксак ва маълулиятли вазифа ота-онага оиладаги қатталарга юқладилгандир. Дарҳақиқат инсон шахсини шаклдантириш оила муҳитидан бошланади. Хусусан оилада, болада характер хусусиятлари, ирода сифатлари, миллий одатлар, феъл атроф, хулқ, теварак атрофга нисбатан муносабат, эътиқод ва қарашлар вужудга қелади. Анна шулардан қелиб қикқан қолда, оилавий турмушда инсонни қамол топшириш шароитлари, фаоллик курсатиш имкониятларини изқил урганмай туриб, шахснинг хусусиятлари ва қелтириб қикарувчи омиллар тугрисида фикр юритиш мумқин эмас. Маълумқи, оила – бу ижтимоий тарихий белғича эга булган, муайян тузилишига эга булган ижтимоий гуруҳнинг қуринишидир, қунонқи унинг аъзоларини қариндош уругшлиқ, ниқоҳ, турмуш шароити бирлиқи, одоб-оқлоқ умумийлиқи, маънавий эҳтиёж нослиқи қабии алоқалар узаро боғлаб туради. Оила муракқаб ижтимоий гуруҳ булиб, биолоғик, ижтимоий, ақлоқий, идеалоғик ва психолоғик муносабатларнинг узвий бирлашуви натижасида вужудга қелади. Шу сабабдан турмушдош ва оила-аъзоларининг узаро моддий-маиший, иқтисодий неғизи узғаришига бевосита боғлиқдир.

Оилавий турмуш ва оила аъзоларининг узаро муаммалаларини тадқик қилган венгер соқилоғи М.Қомлоши 10-14 ёшдақи мақтаб уквчиларининг уқишга ва меҳнатга булган муносабастига бевосита таъсир қилувқи оилавий муҳит (вазият, шароит) омилларини 4 гуруҳга ажратади:

1. Ота-оналарнинг жамоат фаолияти (уларнинг сиёсий позициялари, ишга нисбатан муносабатлари).
2. Оила даврасидақи муносабатлар (ота-оналарнинг уквчиларга муносабати, ақа-уқалар ва опа-синғилларнинг узаро муносабатлари).

3. Ота-оналарнинг тарбиявий педагогик фаолияти (уларнинг педагогик кизиқишлари, мактаб билан ҳамкорликлари, уқувчиларга дарс тайёрлаш незида ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий методлари).
4. Оилада уқувчининг фаолияти (уқувчининг кун-тартиби, хужалик ишлардаги муайян мажбурияти) ва бошқалар.

Тадқиқотчи М.Комлоши йиккан материалларини таҳлил қилиб оилавий муҳит (вазият, шароит)ни уч категорияга ажратади: ижобий, узгарувчан ва салбий. Психолог В.И.Селиванов оилада шахсни шакллантириш жараёнини урганиб, бахтли болалик – бу оиладаги қувончли ҳам жихатликнинг ҳамда ота-оналарнинг уз болаларига гамхурлигининг спмарасидир деган хулосага келади. Агар оилаларнинг йуналишига қараб бундай тоифага мансуб эканлигини курсатиб беради: ижтимоий прогрессив тараккийпарвар йулишдаги оила, паст даражадаги ижтимоий йуналишга мансуб оила.

Биринчи тоифага хос бўлган оилалар мамлакатимиз оилаларнинг қувончли қисмини ташкил қилади. Бундай оилаларда шахслараро муносабатлар миллий, умумбашарий, ҳақчил тамойиллардан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади, шунингдек, ҳар томонлама қамол топган шахснинг ижтимоий идеали назарияда тугилади. Ижтимоий-прогрессив йуналишидаги оилаларнинг вояга етган аъзолари ишлаб чиқаришда, қорхонада, жамоат ешларида фаол иштирок этадилар, илғор маданиятга нисбатан кизиқишларини намойиш қиладилар, шунинг билан бирга бу нарсаларга уз фарзандларида ҳам ҳавас уйғотадилар. Оилада гоҳо намоён бўладиган зиддиятларни жуда қисқа муддатда осойишта йусинда ҳал қиладилар. Ушбу тоифага мансуб оилаларда хужалик ашёлари, асбоблари, қиммат баҳо материаллар ҳар хил эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида қаралади, бу нарсалар шахснинг қилажак истиқболли билан мутлоқо боғланмайди.

Иккинчи тоифадаги оилада умумбашарий, миллий йуналиши узил-кесил ҳал қилинмаган бўлади. Оилавий турмуш муносабатлари узлуксиз равишда бирон-бир гоянинг бошқа-бошқа бир гоя билан узаро никобланган қураш босқичида бўлиб, у ёки бу қарашлар, ақидалар устунлиги, истиқболи ҳеч қандай аҳамият қасб этмайди. Бундай ҳолатнинг қузга ташланиши эскилик билан янгилик уртасидаги қурашни асло англайиб қолмайди. Балки эр-хотиннинг ёки бошқа вояга етган оила аъзоларининг муросасиз позициялари (нуқтаи назарлари) қувончча уларнинг характер хусусиятидаги тафовут негизида боғлиқ бўлиб, мутлоқо эскилик сарқити моҳиятидан келиб чиқмайди. Оилада суз билан иш бирлиги масаласи бикарама-қарши йуналишли икки марказга ва 2 хил интилишга эга. Фақат бурч ҳиссигина, муайян мажбурият бақарилишигина оила аъзоларини узаро бирлаштириб туради ҳолос. Мана бундай оилаларда эр-хотиннинг болаларга таъсир утқизиш учун қураши, рақобати яққол намоён бўлади.

Учинчи тоифага мансуб оилаларда купинча мешчанлик удуми ва идеаллари хокимлиқ килади. Мазкур оилада барча нарса ягона нарсага буйсурилган, яъни мол-дунё туплашга, моддий-маъиший жихатдан устунликка эришига қаратилган. Вояга етган оила аъзоларининг, ота-оналарнинг корхонада, муассасада, ташкилотда меҳнат қилиши анна шу кузлаган мақсадга етиш воситаси сифатида, ҳар қандай меҳнат эса иш ҳақи миқдори билан улчанади. Ушбу тоифа қаторига яна фанатизм хусусиятли кишилар, рухонийлар оилалари қиради. Ҳоҳ мешчанликка оingan оилада булмасин, ҳоҳ рухоний оиласида бари бир эски ақидапарастли муносабатлари қудратли қучга эга. Жумладан, оила бошлигининг зуравонлиги, зошилиги, унга қур-қурона ва сузсиз буйсунишлиқ, сажда қилишлиқ, заиф ва нимжон аъзолар фаоллигини паймол қилишга интилиш ва ҳзо мешчанлик идеали ва диний эътиқод доирасидан ташқари чиқиш ҳоллари камситилиб, бекорга вақт сарфлаш деб баҳоланади, ҳуди шу боисдан бундай ижтимоий йуналишга мансуб оилалардан қуп ҳолларда ҳқдбин, қурқок, жамият тараккиёти учун кам наф тегадиган угил-қизлар етишиб чиқадилар, чунки «қуш-уясида қурганини қилади».

Тараккийпарвар жаҳон психологияси фанида оилавий турмуш муносабатларининг жуда қуп қиррали урганилган.

Оилавий муносабатлар таъсирида илк болаликдан тарқиб мустақиллик, истиклолга нисбатан содиқлик, ватанпарварлик, шарқона анъана шахсий қизиқишни жамият, мамлақат қизишига буйсундириш ҳислати, қатъийлик, қадр-қиммат ҳисси қабн юқсақ инсоний ҳислар шакллана бошлайди. Аста-сеқинг туғишланганларга гамхурлик, ақ-уқалиқ ва опа-сингиллик меҳри, ота-онага муҳаббат ва шафқат сингари теранлик туйғулари намоеъ булла боради. Оилавий турмушдаги самимий ва оқилона муносабатлар, илиқ психологик муҳит таъсири натижасида оила аъзоларида қамтарлик, қунгилханлик, илтифотлик, сабрлилик, тугрилиқ, яхшилиқ, уятчанлик, юмшоқлик, қилқашлик, меҳрибонлик, талабчанлик, меҳнатсеварлик, виждонлилик, меҳнатга маъсулииятлилик, озодалик, иззат-нафслилик, тежаб-тергашлиқ қабн шахс ҳислатлари тарқиб топади. Агарда оилавий турмуш муносабатлари қуполлик, андишашизлик негизига қурилган булса у ҳолда оила аъзолари рухий дунёсида қекқайшилиқ, писмиқлик, жамоатчилиқ маъқуллаган нарсаларни ва қупчилиқ томонидан қабул қилинган ҳатти-ҳаракат қоидаларини сезмаслик, ялқовлик, маъсулиятсизлик, ифлослик, алмаслик, шуҳратпарастлик, мағрурлик, узини қата олиш, қимоғдорлик сингари иллатлар юзага қелади, шаклланади.

Шахслараро муносабатларнинг бир неча типлари маъжуд эканлиги педагогик психологияда қайд қилиб утилган.

Оилавий муносабатларнинг «демократик» тоифаси угил-кизларга, у ёки бу тарздаги хатти-харакатни амалга оширишда, Бирон-бир ишни режалашда ката эрк беради, шунинг билан бирга майда-чуйда курсатмалардан, катъий вақт белгилаш ҳолатидан хориж буладилар. Оила аъзоларининг ҳар бир шахсни иззатлаш, ҳурмат қилиш мароии асосига қурилган бўлиб, узаро оқилона талабчанлик, катъиятлик руҳи билан сугорилгандир. Оила бошлиғи ҳисобланган ота-оналарнинг асосий диккат-эътибори миллий ва умумсоний қоидалари талабидан келиб чиққан ҳолда уз фарзандларида ижобий характер ҳисда уз фарзандларида ижобий характер хислатларини, замон руҳида мос шахс фазилатларини, замон руҳида мос шахс фазилатларини шакиллантиришга қаратилади. Мазкур тоифадаги оила-аъзолари даврасидаги суҳбатлар, мунозаралар, мулоказалар узаро тенглик, узаро ҳурмат руҳида бўйсундирилади. Ҳар бир оила узининг инсонга микротаъсир утказишнинг хусусияти билан ажралиб туради. Ундай оилада шахслараро муносабатда таъсир утказиш сеҳри (механизм) оширилган ҳолда булади. Шу боисдан тасофидан воқеа ва ҳодисаларни содир бўлиши турлича баҳоланади ва уларга бевосита алоқадор оила-аъзолари турмуш тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ё рағбатлантирилади ёки жазоланади. Манна бундай одилона амалга оширилган мулоқот таъсирида угил-қизларда дустлик, дискашлик, хушлизомалалик, шахсий хатал-харакатида ва мулоҳаза юритишида мустақиллик, шахсий қарашлари сақланган ҳолда янги қоидалар ва талабаларга мослашиш, уз-узига бўйруқ бериш, уз-узини бошқариш каби муҳим фазилатлар пайдо булади.

Оилавий муносабатларнинг яна бир тури «авторитар» деб аталиб, бунда ота-онанинг обриси ҳал қилувчи роль уйнайди, шахслараро тенг қуқуқлик, эркин хатти-харакат қилиш, ташаббускорлик уз аҳамиятини йукота бошлайди. Шахслараро муносабатдаги бундай ноҳушлик ота-она қузлаган тарбиявий мақсадни амалга оширмайди ва паст самара беришга олиб келади. Оқибат натижада оила аъзолари уртасида мазкур педагогик таъсирга нисбатан салбий позиция номоён булади. Пайдо бўлган салбий нуқтаи назар, аввал ота-онага, сунгра бошқа ката ёшдаги оила-аъзоларига нисбатан қулланилади. Фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр ҳисса қамаяди, кейинчалик бу туйғу узоклашиш, «беғоналашиш» кечинмасига айланади. Ота-она билан буладиган мулоқот эса угил-қизлар томонидан жуда қуйи даражада баҳоланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар уларни қондирмайди, натижада одамови, ичиндан топ, дамдузлик, ташвишлик, ҳавотирлик социал норма ва қоидаларга қийинчилик билан мослашиш каби характер хислатлари вужудга келади. Шу сабабдан оила аъзолари руҳий дунёсида симпатия, эмпатия, самимийлик, хайрихоҳлик каби юқсак инсоний хис-туйғулар жуда юзаки сохта ифодаланади. Қур-қурона ва сузсиз бўйсунушга асосланган муносабат негизида етган

тарбиявий таъсир куркок ва иродаси кучсиз шахсни таркиб топтиради. Оилавий турмуш муносабатларининг «диффуз» аралаш ёки коришик тоифасида бола шахсини шакллантиришнинг муайян педагогик системаси мавжуд эмас. Оила аъзолари уртасида буладиган муносабатлар аксарият холларда угит-насиғат, ахлокий суҳбат, йул-йурик курсатиш билан боғланиб кетади. Оиланинг кичик аъзолари катти-харакати маълум даражада чекланган булиб, куйилган шартдан бола ташкари чикса, жазо чораси курилади. Панд-насихатга узвий боғланиб кетган ота-онанинг фарзандларига мулоқоти эрдан ва ботиниб фикр юритишдан узок булганлиги сабабли, юмор хиссига бефарклик, уз-узини кулга асмаслик, маъсулиятсизлик етарли даражада алоқа урната олмаслик сингари характер хислатларини таркиб топтиради. Хар кандай ижтимоий жамиятда ҳам учраса-да лекин ненормал, аномал муносабатга эга булган оилалар мавжуддир. Бундай типга ажралиш даражасига етиб борган, бола оилавий манбаи деб тушунувчи «бола», бахонаси туфайли хил устида турган, ичувчи алкоғоллар ёки наркоман оилалар киради. Мазкур оила мухитини ларзага келтиради, ёш бугинлар ахлокига, онгига, акл-заковатига дунёкарашига, эътиқодига салбий таъсир килади. Уринсиз машмашалар, жанжаллар, купол муаммомалар харакатлар оила-аъзолари уртасидаги ненормал холатосойишта яшаш, тинч ижод килиш, муайян укиш учун зарур имкониятлар яратиб беришга кадир эмас.

Оилавий турмуш муносабати ичида «либерал» тоифа ҳам куп холларда учраб туради. Оила даврасида муросасиз, кунгилчанг булишлик ташки кушнишдан илик психологик мухит куқмдорлиги узини акс эттиргандек булиб туюлади. Агарда муросизлик «муроса-ю, мадора» кабилида кечиримлиликни билдириб келса, юкоридаги фикримизни тасдиқлаган булади. Афсуски, «либерал»лик, муносасозлик оиладаги хар кандай вазиятни «умумий тил» топиш асосида хал килишга, принципиалликдан узоклашишга, субутсизликка олиб келади. Ота-оналарнинг фарзандлари билан бундай муносабатда булишлари салбий окибат сари етаклайди, катъийлик, мустакиллик, дадтллик сингари иродавий сифатлар угил-кизлар рухий дунёсидан узоклашади. Муросасизлик таъсирида ёш авлод характерида мунофиклик, иккиюзмачилик, келишувчанлик каби иллатлар таркиб топиши мумкин.

Маълумки, барча ривожланган мамлакатлардаги халқ таълими тизимининг мувафақияти ушбу тизимда психологик хизматнинг хар томонлама тўғри ва самарали тарзда тадбиқ етилиши билан бевосита боғлиқ еканлиги кўпгина маориф ходимларининг диққат еътиборини ўзига қаратмоқда.

Порлоқ келажгимиз пойдеворини, албатта юксак ижтимоий билимлар мажмуаси бўлмиш таълим тарбиясиз ва унинг равнақисиз кўриб бўлмайди.

Бошланғич таълим жараёнини психологик таҳлилга бағишланган кузатишлар шуни кўрсатадики, ўқувчиларнинг ўқув тарбиявий фаолиятларини ташкил етишда ва бошқаришда бугунги кунда психологик хизмат тизими ҳал қилиши ва бартараф етиши лозим бўлган қатор муаммолар мавжуд:

1. Болаларни руҳий ва интеллектуал тайёргарлиги асосида мактабга қабул қилиш муаммоси: олти, етти ёшга кирган ҳамма болаларни ёппасига мактабга қабул қилиш анъанага айланиб бормоқда. Психологлар эса ҳеч қачон бунга йўл қўймаган бўлар едилар. Сабаби ҳар бир бола ҳам ақлий, ҳам жисмоний жиҳатдан ўзига хос индивидуал имкониятларга эга. Баъзи болалар олти, етти, ҳатто саккиз ёшга тўлсаларда мактаб таълимини бошқа ўз тенгдошлари қатори ўзлаштиришга ҳали тайёр бўлмайдилар. Биз эса уларни мактаб режасига қараб, баъзан ота онасининг хоҳишига қараб мактабга қабул қилаверамиз, таълимий машғулотларни эса болага мажбур олиб борамиз. Натижада, бола психик жиҳатдан турли касалликларга йўлиқиб, кейинги ўқув фаолияти босқичларида муваффақиятсизликларга учраши мумкин. Бу эса боланинг ақлий ва интеллектуал жиҳатдан табиий ривожланиш илдизига атайлаб болта уриш демакдир. Бундай ҳолатларда зудлик билан барҳам бериш, яъни ҳар бир мактаб таълимига илк бор қадам қўйган болани махсус ва мукамал ишлаб чиқилган психологик тестлардан ўтказиш ва унинг натижалари асосидагина болани мактабга қабул қилиш ҳақида жиддийроқ ва ўта масъулият билан ўйлашимизга тўғри келади. Қолаверса, бундай тестлар ёрдамида аллақачон ривожланган мамлакатлар АҚШ, Япония, Германияда баъзи болалар 9 ёки 10 ёшдан, баъзилари эса ҳатто 4 ёки 5 ёшдан ҳам мактабга қабул қилинади ва тегишли шароитлар яратилгач, таълим жараёнида бундай болаларнинг барча шахсий ва руҳий имкониятларидан тўлиқ ва унумли фойдаланиш учун замин ҳозирланади.

2. Бошланғич таълимда қуни узайтирилган гуруҳларни тўғри ташкил етиш муаммоси: Кўпгина мактабларда болалар, аксарият 1-2 синф ўқувчилари дарсдан сўнг яна 4 ёки 5 соатлаб мактабда қуни узайтирилган гуруҳларда қолиб ўқиши керак. Бу билан биз 6-7 ёшли болани 7-8 соатлаб мактабда ушлаб турамыз. Савол берайликчи, бола шуни хоҳлайдими, аниқроғи, бола психикаси учун шу тадбир яхши самара бера оладими албатта йўқ. Чунки, ҳатто биз катталар мунтазам равишда ҳар қуни 7-8 соатлаб мактабда қолиб ўқиш имкониятига эга емасмиз. Ахир боланинг эҳтиёжлари кўпроқ ўйинга ва ухлашга мослашганку. Ҳолбуки, 7-8 соатлаб ўқиш жараёнида бола зерикади, психик жиҳатдан толиқади, мактабдан безийди ва юксак даражада кўтарилиши мумкин бўлган ўқув қизиқишлари сўнади. Энг ачинарлиси шундаки, кўп ҳолларда уйга бориб, ҳатто

овқатини ҳам емай ухлаб қолади. Шундай экан, куни узайтирилган гуруҳлар тизимини шакл ва мазмуни қайтадан психологик таҳлил асосида ўйлаб кўриш ва ишлаб чиқиш вақти келмадимикан.

3.Баҳолашнинг психологик мезонига риоя қилиш муаммоси: Тегишли психологик педагогик адабиётлардан маълумки, бошланғич синф ўқувчиси учун энг биринчи мотив бу яхши баҳо олиш ва шу баҳо орқали ўз "МЕН"лигини илк бор ҳис етиш, ўз ота онасининг ва катталарнинг ҳурматига сазовор бўлишдир. Шунинг учун ҳамма бошланғич синф ўқувчилари яхши баҳо олишга интиладилар.Лекин,кўп ҳолларда баҳолаш мезонининг бузилиши ўқувчи психикасига, айна пайтда шахс сифатидаги тараққиётига салбий таъсир етмай қолмайди.Шунинг учун бошланғич синф ўқувчиларидаги баҳолашнинг психологик мезонларини ҳам чуқурроқ ўйлаб кўришга тўғри келади.

4.Уй вазифаси ва мустақил ишларни психологик жиҳатдан тўғри ташиқил етиш муаммоси: Кузатишлар натижаси шуни кўрсатдики, бошланғич синфларда ўқийдиган барча ўқувчиларга дарслик бўйича бир хил уй вазифаси ва бир хил мустақил ўқув топшириги берилади. Чунки, дарслик ҳамма учун бир хил яратилган. Лекин, бир синфдаги барча ўқувчиларнинг мазкур ўқув предметиға ёки ўқув топширигини бажаришға нисбатан интеллектуал имкониятлари ва иқтидори бир хил эмаску. Шу боисдан бўлса керак уй вазифаси ёхуд мустақил ишни мунтазам бажариб келувчи ўқувчиларни куйидаги икки гуруҳға ажратиш мумкин:1-гуруҳға кирувчи болалар ўз кучи етмаган "ўзгалар"(ота-она,опа-ака ва бошқалар) ёрдамида уй вазифасини шунчаки "бажариб"келади.Шунинг учун мактабда бериладиган мустақил топшириқларни китобдагидек ҳаммага бир хил емас,балки ҳар бир ўқувчининг психик имкониятиға,қуникма ва малакаларига,қобилиятиға қараб бир оз оддийлаштириб,такомиллаштириб ёки керак бўлса баъзи илғор ўқувчилар учун бир оз мукаммаллаштириб бериш вақти келмадимикан.

5.Ўқувчилар жамоасидаги психологик муҳитни бошқариш муаммоси: Социологик тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлмоқдаки, ўқувчилар гуруҳида намоён бўлувчи баъзи бир зиддиятлар ўқув фаолиятиға салбий таъсир кўрсатмоқда. Турли социологик-психологик усуллар орқали ушбу ҳолатларни ўрганиш, таҳлил қилиш ва бартараф этишдаги энг самарали йўлларни излаш таълимнинг яна бир асосий долзарб вазифаси бўлиб қолмоқда.

6.Мактаб ва оила ҳамкорлигида психологик уйғунликни таъминлаш муаммоси: Табиийки, бола камолоти учун мактаб ва оила ҳамкорлигидаги тадбирлар ҳамиша муҳим аҳамият касб етади.Лекин,баъзи ҳолларда мактаб тарбияси билан оиладаги тарбия муҳити ниҳоятда бир -бириға зид эканлиги билан болани қийнаб қўймоқда.Бола қай

бирига мослашишга ҳайрон. Гап шундаки, болани чуқур ўрганиш учун унинг оиласини ҳам чуқур психологик таҳлил қилишга тўғри келади. Афтидан, боланинг тўлик психологик имкониятлари ҳақида ота-оналарга маълумот бериш билан бирга ота-оналар олдига ҳам бола тарбияси учун тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда маълум талаблар қўйиш ва унинг ижросини мунтазам назорат қилиб бориш ҳақида жиддийроқ ўйлашга тўғри келади.

7. Бола шахсини тўғри тушуниш ва таҳлил қила олиш муаммоси: "Хар бир шахс қайтарилмас темпераментдир", - деган еди буюк физиолог И.П. Павлов. Қолаверса, хар бир инсоннинг ўзигагина хос имкониятлари мавжудлиги ва унга ҳамиша жиддий ётибор бериш зарурлиги ҳақида Ўрта Осиёнинг буюк мутафаккирлари Ибн Сино, Фаробий, ва Берунийлар ҳам ўз замонларида алоҳида қайд етиб ўтганлар.

Юқорида таъкидлаганимиздек, таълим олаётган хар бир индивид ўзига хос бир бетакрор оламдир. Ўқитувчи эса ушбу шахсни тарбиялаш учун даставвал унинг "бетакрор оламига" қира олиши ва шунга мос келувчи тарбиявий тадбирлар режасини тузмоғи лозим. Бугунги кунда сир емаски, кўпгина мактабларимизда хар бир ўқувчининг бутун психологик қиёфасини ифодаловчи маълумотлар йўқ. Зеро, таълимнинг дастлабки кунлариданоқ хар бир бола учун хос бўлган иқтидор ва қизиқишларни диагностика қилувчи тестлар ишланмасининг зарурлигига бўлган ехтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу ехтиёжни қондириш учун эса Республика микёсида юзлаб, минглаб психолог-мутахасислар тайёрлаш муаммоси ҳал қилинмоғи даркор.

Умуман психологик хизматга асосланган таълим жараёни хар бир ўқувчи камолотига, ундаги барча иқтидор қирраларини очишга ва ривожлантиришга хизмат қила олиши билангина ахамиятлидир.

Таниқли рухшунос олим Л.С. Виготский тараққётдан илгарилаб кетган таълимгина самарали булишини қайта- қайта таъкидлаган еди. Бугун бола катталар ёрдамида амалга ошираётган ишни ертага ўзи бажариши керак. Бунга болани хар томонлама ривожлантирадиган, уни фикрлашга ургатадиган, қобилиятини аста-секин ўсиб боришига имкон яратадиган тафаккурнинг янги-янги қирраларини очадиган таълим ва тарбияда, педагогик усулларга, психологик хизмат тизимига ега бўлинган тақдирдагина еришиш мумкин.

Бола психик тараққиётини тузатишнинг асосий вазифалари куйидагилардан, бола шахсий ва интеллектуал имкониятларини ривожлантириш учун энг яхши шароитларни яратиш асосида психик тараққиётдан четлашишларни тузатишдан, шахсий ва ахлокий тараққиётдан ёкимсиз салбий йуналишларнинг олдини олишдан иборатдир.

Психик тараккиётни тузатишлар "Коррекция килиш" атамаси дастлаб деффектологияда касал болаларга нисбатан ишлатилган булса, амалий ёш психологиясининг ривожланиши билан "тузатиш" тушунчаси нормал психик тараккиёт учун хам кулланила бошлади. Д.Б. Эльконин тузатишнинг йуналганлиги Коррекция характериға боглик равишда тузатишнинг икки усулини ажратишни таклиф килади: 1. тараккиётдан четлашиш белгиларига каратилган симптоматик тузатиш ва 2. тараккиётдан четлашиш сабаблари ва манбаларига каратилган тузатиш хисобланади.

Психологик маслахат бериш амалиётидан нормал тараккиёт коррекцияси ва ноноормал тараккиёт коррекциясидан фаркланади. Нормал тараккиётда тузатишнинг мазмуниға кура куйидаги турлари ажратилади, аклий тараккиёт коррекцияси, шахс тараккиёти коррекция, салбий холатларнинг олдини олиш коррекциясидир. Психолог ишида коррекцион вазифаларни ечиш максатида психологик ёрдамни ташкил этишға боглик равишда унинг турини курсатиш мумкин: маданий окартув ишлари, маслахат-тавсиялар бериш, индивидуал ва гурухий коррекция.

МАДАНИЙ ОКАРТУВ ИШЛАРИ - ота-оналар, тарбиячилар, укутувчиларға мулжалланган булади. Бунда бола тараккиёти асосий конуниятлари, ёш психологик хусусиятлари, хар бир ёшнинг кийинчиликлари, муаммолари ва уларни бартараф этиш буйича умумий тавсиялар берилади.

МАСЛАХАТ ва **ТАВСИЯЛАР БЕРИШ**-иши бола бошидан кечирган кийинчиликлар сабабларини аниклаш асосида олиб борилади. Бунда психолог ота - оналар, укутувчилар, тарбиячилар хамда боланинг бажарадиган ишларини тавсияномада беради.

Учинчи, мехнатни куп талаб этадиган психологнинг тузатиш иши ота - оналар, укутувчилар, тарбиячилар ва болалар гурухи, ёки индивидуал бир бола билан хамкорликда олиб борилади. Ишнинг ана шу тури анча мехнат, вақт, куп метод ва методикаларни куллашни талаб этса хам анча натижали хисобланади.

Болалар психик тараккиётини тузатиш муаммоси буйича чет эл психологиясига мурожаат килишимиз куйидагилар билан боглик:

1) Чет - эл психологиясида тузатиш ишларининг техникаси, уни утказиш тартиблари, методлари, жуда яхши ишланган булиб, Амалий психологик вазифаларига мослаштирилгандир:

2) Сунгги вақтларда тузатиш методлари ва техникаларини, уларнинг назарий манбалари ва асосларини тахлил килмасдан тугридан - тугри нотанкидий узлаштириш кучаймокда;

3) Чет - эл психологиясидаги бола психик тараккиётини тузатиш муаммосидаги барча нуктаи назарларни 2 гурухға ажратамиз:

а) **психодинамик нуктаи назар** буйича терапевтик куч онгни, унинг тузилишини ривожлантиришга қаратилади:

б) **хулкий нуктаи назар** буйича индивиднинг ташки мухитда активлигини аниқлайдиган стимул- реакция боғланишининг қуринишини узгартиришдан иборат.

Психодинамик нуктаи назар - ишланган ва обрўйга эга бўлган йуналиш бу психоналитик йуналиш бўлиб, Фрейд ва гумманistik психология асосчиси К.Роджерс назарияларида акс этган.

Психодинамик йуналиш 19 асрнинг 50-60 йилларида даволанишнинг иккинчи асосий усули сифатида қулланилган. Бу йуналишда уйин, санъат билан даволаш ёки расмлар билан даволашдир. Болалар ёши учун тузатиш ишларининг яхшиси синалган усули уйин билан даволаш ҳисобланади. Даволовчи бола билан бирга уйнайди ва боланинг узи эркин уйнаши мумкин ва шу уринда уч асосий тузатиш вазифалари бажарилади. Бола узини курсатишга имконияти кенгайди. Ҳиссий барқарорлик ва узини бошқаришда эришилади. Бола катталар системасидаги муносабатлари коррекция қилинади. Уйин билан даволашнинг усули фарқланади.

1) Индивидуал

2) Гурухий

Психолог олим Роджерс қайси усулда қандай вақтда фойдаланиш мумкинлиги ҳақида шундай дейди: " Боланинг ижтимоий мослашиши ҳақида гап кетганда гурухий даволаш индивидуал даволашга қараганда фойдалироқдир" Ҳиссий қийинчилиги ҳақидаги муаммоларни ечишда эса, индивидуал даволашдан фойдаланилади. Уйин билан даволаш қуйидаги ҳолларда утказилади:

- Ижтимоий етилмай қолишлик (инфантилизм) қелиша олмаслик, ода- мови, яъни одамга қушилмаслик тез мослашувчанлик, ҳар қимнинг айтганини қилиш, ҳулк - атворнинг бузилиши ва зарарли одатлари мавжуд бўлганда. Агар индивидуал уйин билан даволашни ақлий носогломликнинг оғир формаларида утқазиб бўлмаса, гурухий уйин билан даволаш учун қарши курсаткичлар доираси кенгайди. Бундай қарши курсаткичлар қуйидагилар: яққол ифодаланган болалар қизганиши , тез жинсий етилиши, ҳаддан ташқари тажовузқорлиги ва бошқалар. Барча юқоридаги ҳолларда аввал индивидуал уйин билан даволаб, кейин гурухий уйин билан даволаш утказилади.

Хулкий нуктаи назар -хатти - ҳаракатларни даволашда қузатишнинг мақсади хатти - ҳаракатнинг янги усулларига урганиш ёки субъектнинг урганиб қолган усуллари йукотиш сифатида ифода этилади. Хатти -ҳаракатли тренинг 4 қисми уз ичига олади.

1. Урганиладиган намуналарни намойиш қилиш;

2. Урганиладиган харакатли реакция кулланмасы билан мижозларга оғзаки ёзма белгилар ёрдамида тушунтириш;

3. Янги реакцияларни мустахкамлаш ва эгаллаш учун зарур машқлар;

4. Эришилган натижалар хақида маълумот берувчи тесқари алоқа асосида назорат қилиш;

Утган аср урталарида гарб психологи Д.Механбалл узини бошқаришга йуналган коррекцион дастурини ишлаб чиқарган. Бу дастур салгина узгартирилиб, таъсирчан, жуда харакатчан ва тартибсиз укувчиларнинг хулқ - атворини тузатишга фойдаланилади. Чет - эл психологиясида психик тараккиётни тузатиш муаммосига хулоса қилиб, қуйидагиларни айтиш мумкин: Коррекцион амалиётнинг назарий асоси - бу психик тараккиётни тушунтиришда таърифни инқор этиш ҳисобланади.

Собик Совет психологиясида тузатиш уч асосий принципда амалга оширилади.

1. Тараккиётнинг (нормативлиги) принципи
2. "Юқоридан пастга" тузатиш принципи.
3. Психик тараккиётнинг системалиги принциpidир.

Тараккиётнинг "нормативлиги" принципи психик тараккиётнинг асосий қонуниятларини ҳисобга олишни, бола шахси ривожланиши учун тараккиёт босқичлари кетма кетлигини таъминлайди. Масалан: богча ёшидаги болаларга нисбатан бундай юқори талабчанликга мисол сифатида ота - оанларнинг диққатини бир жойга туплай олмаслик, қайсарлик, айтган ишини бажармаслик қаби болалар устидан қилган шикоятларини келтириш мумкин. Тараккиётнинг нормативлиги принципи билан " Юқоридан - пастга" тузатиш принципи узвий боғланган. Бу принципда бола психик тараккиёти учун таълимнинг етакчи роли ҳисобланади. " Пастдан -юқорига" тузатиш тарафдорлари тузатиш ишларининг асосий мазмуни сифатида боладан мавжуд психологик қобилиятларни машқ қилдиришни курсатади. Бу ерда таълим тараккиётдан кейин келади.

Ўйлайманки, юқорида қайд етилган барча муаммолар устида янада жиддийроқ ўйлаш изланиш ва психологик тадқиқотлар олиб бориш бошланғич таълим тизимининг жамиятимиз идеалларига ва мустақил Республикамиз равнақига мос юқори савияда бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Хулоса

Кичик мактаб ёши ўқувчиларида мустақил фикрлашни шакллантиришда ўқитувчининг таълимни ташкил етишдаги роли нихоятда муҳимдир. Ўқитувчи болаларда ижтимоий фойдали меҳнатга меҳр-муҳаббат ва ишлай олиш қобилиятини тарбиялашда уларни қизиқтиришга интилади. Бироқ айти вақтда ўқувчиларни айрим меҳнат операцияларини бажаришда уюшқоқлик ва изчилликка ўргатиш зарур. Болалар янги ишга берилиб киришадилар-у, лекин уни нимадан бошлаш кераклиги, қандай материал олиш, қандай меҳнат қуролларидан фойдаланиш ва хоказолар ҳақида ўйлаб ўтирмайди. Улар ўз ишларини режалаштиришга, ишни белгиланган муддатда тугаллаш учун вақтларини тўғри тақсимлашга унча қодир эмаслар. Шундай ҳам бўладики, болалар ишда тартибга риоя қилмай, ҳамма нарсани сочиб ташлайдилар, натижада меҳнат ўнгидан келмайди, муваффақият кўзга кўринмай қолади. Бундай ҳолларда ўқитувчи болаларга ўз меҳнатларини дурустроқ йўлга қўйиш, уни ўйлаб режалаштиришда ёрдамлашиш керак. Агар иш юришиб кетадиган бўлса, унда ўқувчиларда ўз кучларига ишониш ҳисси ва уни охригача муваффақият билан етказиш истаги пайдо бўлади. Ўқитувчи болаларга бошчилик қилар экан, уларни мустақилликка ўргатиши лозим. Ташаббус, ижодиёт, оқилона равишда ўйлаб олинган ишлар рағбатлантирилиб борилиши даркор.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг етакчи тури ўқиш ҳисобланиб, уларнинг ҳаётида меҳнат эса камроқ ўрин тутди. Бу ёшдаги ўқувчилар ҳаракат билан боғлиқ бўлган ўйинларни яхши кўрадилар. Бу ўйинлар ҳаракатларнинг уйғунлашувини такомиллаштиради, куч-қуввати ва чاقқонлигини ўстиради, ички органларнинг ишини нафас олиш, қон айланишини яхшилайдди, болалар соғлигини мустаҳкамлайди. Ўйин идрок, диққат, ҳаёл, қизиқиш, таффақкурни ўстиришга ёрдам беради, ташаббус ва активликни ўстиришга кўмаклашади, ўйин фаолиятини уларсиз тасаввур этиб бўлмайдиган ижобий эмоцияларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ўйин ўқувчининг ўқиш жараёнида ақлий ишдан жуда яхши дам олиши учун хизмат қилади. Ўйин болаларни ҳаётга таёрлайди, холбуки улардан бирортаси ҳам ўйиннинг бу ҳақидаги аҳамиятини ўйламайди. Болалар ўзларини бирдан-бир эҳтиёжларини қондириш, хурсанд бўлиш учун ўйнайдилар. Ўйин жараёнида болалар муайян ишларни бажарадилар. Улар иморат қиладилар, саёҳат қиладилар, уларни даволайдилар, бир-бирларига иш ўргатадилар, хўжалик ишлари билан шуғулланадилар. Ватанни душманлардан ҳимоя қиладилар, қахрамонлик кўрсатадилар ва ҳокозо. Ўйиндан кўзланадиган мақсад ўйин натижаси эмас, ўйин фаолиятининг ўзидир. Кўпгина ўйинларда бир киши эмас, балки кўпчилик иштирок этади. Бу болаларда жамоатчилик ҳиссини тарбиялашга ёрдам беради. Улар биргаликда, уюшган ҳолда ҳаракат қилишни ўрганадилар гоҳ бошқаларга бошчилик қиладилар, гоҳ

Ўзлари уларга бўйсундилар, муайян қоидаларга амал қилиб, уларни бажарилишини каттиқ назорат қиладилар. Буларнинг ҳаммаси иродани тарбиялашга, интизомга одатланишга имкон беради, ўз хатти-ҳаракатлари ва хулқ-атвори учун жавобгарлик ҳиссини юзага келтиради, бола шахсининг маънавий сифатларини таркиб топтиришга ёрдам беради, маълумки ҳар бир ўйинда болалар ўйинни ўйналадиган муайян шартлар ҳақида келишиб оладилар, борди-ю бирор бола ана шу мажбуриятни бузса, уни ўйиндан чиқариб юборадилар ёки ўйинни давом эттиришдан бош тортадилар. Ўйинларнинг кўп қисми мусобақалар билан боғлиқ, бу нарса боланинг жисмоний ва психик жиҳатидан зўр беришни кучайтиради, камол топишга ёрдамлашади.

Ўйиннинг амалий натижалари эмас, балки унинг қатнашчиларга бахш этадиган мамнуният ўйин фаолияти учун мотивлар бўлиб хизмат қилади. Ўйинда кўп нарса хаёл асосида қурилади. Болалар мутлақо реал буюмларсиз ёки унча-мунча буюмлардан фойдаланган ҳолда ўйнашлари мумкин. Шунинг учун ўйлаб юзага келтирилган вазиятлар реал ва кўпинча кучли таъсир этувчи хис-туйғулар бўлиши мумкин. Кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўйинлари жуда хилма-хил бўлади.

1. Ҳаракатли ўйинлар: Ҳаракатли ўйинларнинг баъзилари спорт ўйинларга яқинроқ бўлади. Бу ўйинлар соғлиқ учун жуда фойдалидир. Бундай ўйинларнинг кўпларида шахсий биринчилик ёки жамоатчилик биринчилиги учун курашилади. Уларда жисмоний сифатлардан ташқари шахснинг жасурлик, ўзини қўлга ола билиш, қаяғиятлилик сингари хусусиятларини ўстиради.

2. Ролларга бўлиниб ўйнайдиган ўйинлар. Бу ўйинлар болалар кузатадиган ё катталардан эшитадиган ҳодиса ва жараёнларни акс эттиради. Бу ўйинларда ҳар бир бола ўзига муайян ролни, масалан врач, ўқитувчи, ўт ўчирувчи ролини олади ва тегишли фаолият турини тасвирлаб ўйнайди. Баъзан ўйин сюжети олдиндан белгилаб қўйилади, воқеа ва ҳаракатлар муайян режа асосида авж олиб боради. Бошланғич синфларда ҳам улар хали кўғирчоқ ўйнайдилар, уни аллалайдилар, даволайдилар, унга таълим берадилар. Баъзан улар ўйинчоқларсиз ҳам ўйнайверадилар, бунда кўпинча кўғирчоқ ўрнини укалари ва сингиллари эгаллайди, ўзлари эса оналик бурчини адо этган бўладилар. Кичик мактаб ёшидаги болаларда техникага қизиқиш пайдо бўлади. Уларнинг ўзлари самолётлар, автомашиналар ясаб уларни ўйнайдилар. Қизлар ўйинларида маиший характердаги ишлар билан шуғулланишни ёқтирадилар: кўғирчоқ учун кийим –кечак тикадилар, стол тузайдилар, идиш-товоқни, кўғирчоқ учун тикилган кийим-кечакни ювадилар ва дазмоллаб қўядилар. Бунга ўхшаш ўйинлар кейинчалик аста-секин меҳнат фаолиятига айланади, стол устига қўйиб ўйналадиган ўйинлар: бу ўйинлардан баъзилари билишга қизиқишни ошириш ва ақлий камолотни ўстириш учун жуда фойдалидир.

Расмли ва ҳар-хил топишмоқлар, ребуслар, ўйлашни талаб қиладиган ўйинлар кабилар киради. Аини шу вақтда кўпчилик болалар шашка, шахмат ўйнай бошлайдилар. Бошланғич синф ўқитувчилари ўқувчиларнинг ўйин фаолиятидан бир четда турмасликлари керак. Ўқитувчилар танаффус пайтида ўйинларни кузатиб турадилар, баъзан эса болаларнинг дам олишларини йўлга қўйиб, ўйинларда ўзлари ҳам иштирок этадилар. Ўқитувчининг роли биринчи навбатда, болаларга фойдали ўйинларга қизиқиш уйғотиш, зарарли ўйинлар ўйналишига, болаларнинг урушиб қолишларига йўл қўймаслик ва ҳоказолардан иборат. Лекин ўйинга зўр назорат, эҳтиёткорлик билан раҳбарлик қилиш лозим. Болалар мустақиллигини, уларни мустақилликка бўлган табиий интилишларини бўғиш ярамайди: болаларни оқилона ўйинлар ўйлаб топишларини ва ўзлари учун ўйинда кўп имкониятлар яратадиган ижодиётнинг бошқа формаларини рағбатлантириб бориш даркор.

Болалар мактабга борганларида меҳнат учун ҳали жисмоний ва техник жихатдан етарлича таёргарлик кўрмаган бўладилар. Улар ҳали ўз ҳаракатларини ҳамиша ҳам қисмларга ажратиб ва бир-бирига мувофиқлаштира олмайдилар, уларда кўз билан қўл етарлича бир-бирига мувофиқ тарзда ишлай олмайди, кинестетик (мускул) сезгилари унча ўсмаган бўлади. Аммо 9 ёшга кирганда боланинг унча мураккаб бўлмаган ишларга жисмоний таёргарлиги анча ортади.

Бошланғич синфларда болалар меҳнат фаолиятига таёрланадилар. Улар 1-синфдан бошлаб қоғоз, картондан жуда оддий буюмлар тайёрлайдилар, шуни ҳам айтиш керакки, бу машғулотларга улар жуда қизиқадилар. Биринчи синф ўқувчилари иш жараёнининг ўзи билан меҳнат натижаларига қараганда кўпроқ қизиқадилар, бироқ кейинчалик улар ўз ишларининг сифатига ҳам қизиқиб қарайдиган бўладилар. Улар ўзлари ясаган буюмларни намуна билан таққослаб кўрадилар ва ишни аниқ бажаришга интиладилар. Агар биринчи синфда болалар ўз хатоларидан кўра кўпроқ ўртоқларининг ишдаги камчиликларини сезсалар иккинчи ва учинчи ўқув йилида ўз меҳнатлари маҳсулига ҳам анча танқидий муносабатда бўладилар, унинг сифатини баҳолашга объективроқ ёндошадилар. Қўлидан келадиган меҳнат машғулотлари болаларда аввало бу машғулотлар ҳаракатланиш билан боғлиқ бўлгани учун қувонч хисларини юзага келтиради. Лекин тез орада мақсадсиз меҳнат кичик ёшдаги ўқувчини қизиқтирмай қўяди. Агар у масалан тайёрлаган ўйинчоқлардан энг яхшилари болалар боғчасидаги кичкинтойларга берилишини билса ўз ишига зўр масъулият билан киришиб кетади ва уни яхшилаб бажариш учун бор кучини ишга солади.

Ўқишнинг дастлабки йиллариданоқ меҳнат болаларда шахснинг эҳтиёжи тариқасида юзага келади. Бунда катталарга тақлид қилиш ҳам фойдали бўлиши истаги ҳам

катта рол ўйнайди. Бу жihatдан кичик ёшдаги ўқувчининг маиший меҳнати, оилада ўзидан кичик болаларга қараб туриши, синфни йиғиштиришда иштирок этиши, гуллар ва тирик бурчак жонворларига қараши муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчи ўқувчиларни фақат ижтимоий фойдали меҳнатга жалб қилбгина қолмасдан, ота—оналар болаларда меҳнатга меҳр-муҳаббат ҳамда одатланишни қунт билан тарбиялаб боришлари учун уларга таъсир кўрсатиб туриши ҳам керак. Болаларнинг меҳнат тарбиясига синф жамоаси ҳам таъсир кўрсатади. Ўқитувчи бир ўқувчининг ишига баҳо берар экан, умуман, бутун синфнинг фикрига мурожат этади. Бундан ташқари, кўпгина ишлар жамоат тарзда бажарилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон келажакнинг пойдевори. Т., 1997
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва таракқиёт кафолатлари. Т., Ўзбекистон, 1997
3. Каримов И.А. “Ўзбекистон Мустақилликка эришиш остонасида”
Т. 2011
4. Каримов И.А. “Юксак маънавият- енгилмас куч “ Т.2008
5. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчиси психология. Т., 1998
6. Шербаков А.И. Ёш психологияси ва педагогик психологиядан практикум. Т., 1991
7. Воҳидов М.В. Мактабгача тарбия психологияси. Т., “Ўқитувчи”, 1970
8. Ғозиев Э. Психология. Т., “Ўқитувчи”, 1994
9. Крутецкий В.А. Педагогик психология асослари. Т., “Ўқитувчи”, 1976
10. Каримова В. Ва бошқалар. Мустақил фикрлаш. Т., “Шарқ”, 2000
11. Ахлоқ-одобга доир Хадис намуналари.-Т., 1990
12. Иброхимов А. Ва бошқалар. Ватан туйғуси. – Т., “Ўзбекистон”, 1997
13. Левантуев П.И., Аскархўжаев А., Чудновский В.Э., Воҳидов М.В. Болалар психологияси очерклари. Т., “Ўқитувчи”, 1964
14. Давлетшин М.Г. ва бошқалар. Ёш даврлари ва педагогик технология. Т., 2004
15. З Нишонова. Болалар психологияси ва уни уқитиш методикаси
Т. 2006